VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

42 (259) ● 2013 йил 30 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга доир муҳим қонун лойиҳалари муҳокама қилинди

2 СИЁСАТ



ЎзМТДП билан ҳамкорликдаги лойиҳа доирасида партия электорати бўлмиш ҳунарманд ва оилавий тадбиркорлар қўллаб-қувватланмоқда

4 ЎзМТДП ДАСТУРИ —АМАЛДА



Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейидаги экспонатлар юртимизда тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасининг илк даврларидан бошлаб ҳозирги кунга қадар бўлган ривожланиш йўллари ҳақида маълумот беради

8 КЎЗГУ

## Хабарлар

### "Истеъдодлар мактаби"

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйида "Истеъдод мактаби" V Республика ёш ижодкорлар семинари ташкил этилди.**

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан адабиётга меҳри баланд йигит-қизлар иштирок этаётган семинардан кўзланган мақсад адабиётга ҳаваси баланд ёшларга зарур йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериш, ижодини кенг адабий жамоатчилик назаридан ўтказишдан иборат.

Олтмиш нафардан ортиқ ёш ижодкор иштирок этаётган семинар машғулотлари давомида ёзувчи ва шоирлар, таржимонлар, публицистлар, драматурглар томонидан маҳорат сабоқлари ўтказилади. «Биринчи китобим» ижодий лойиҳаси доирасида илк китоблари нашр этилган ёшлар билан учрашувлар, уларнинг ижод намуналаридан иборат «Созимда Ватан васфи» тўпламининг тақдимоти ўтказилиши кўзда тутилган.

### Юқори марралар сари

**Эркин кураш бўйича якунланган халқаро турнирда спортчиларимиздан Ихтиёр Наврўзов олтин, Муҳаммадсиддиқ Жўраев бронза медални қўлга киритди.**

Қозоғистонда ўтказилган анъанавий халқаро турнирда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Россия, Канада, Грузия, Беларусь ва Мўғулистондан эркин кураш усталари етти вазн тоифасида ўзаро куч синашди. Мусобақада 66 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Осиё чемпиони Ихтиёр Наврўзов беларуслик Антон Афанасьев, россиялик Александр Козлов ва Александр Захарушкинни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди. Олтин медаль учун ўтказилган ҳал қилувчи беллашувда мезбонлар вакили Азамат Омиржанов устидан зафар қучган ўзбек полвони шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Халқаро турнирда 60 килограмм вазн тоифасида иштирок этган ёш полвон Муҳаммадсиддиқ Жўраев қозоғистонлик Куаниш Жахсибай ва Хандос Исмоиловни мағлубиятга учратиб, бронза медални қўлга киритди.

## Давра суҳбати



# ТИНЧЛИКПАРВАР СИЁСАТ

**барқарорлик ва тараққиёт омили бўлмоқда**

***Вақт ўтиши, замон ўзгариши билан ҳар қандай холис кузатувчига бир ҳақиқат аён бўлмоқдаки, биз ички ва ташқи сиёсатимизни амалга оширишда кимнингдир тазйиқ ёки амрига итоат қилиб, турли ўйинларга қўшилган эмасмиз ва доимо мустақил сиёсат олиб борганмиз. Биз учун ягона ва устувор мақсад — бу Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.***

**Ислом КАРИМОВ**

***Партия Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақасида ва унинг ташқарисида низоларнинг олдини олиш ва уларни ҳал этиш мақсадида бундан кейин ҳам халқаро ва давлатлараро тузилмалар фаолиятида фаол иштирок этиши лозим деб ҳисоблайди.***

**ЎзМТДП Дастуридан**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан 24 октябрь - "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти куни"га бағишлаб "Тинчликпарвар сиёсат — барқарорлик ва тараққиёт омили" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, олимлар, мутахассислар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

2-бет

## Муносабат

# Ютуқлар ифтихор бағишлайди

**ишонч эса масъулиятни оширади**

***Мустақиллик том маънода миллатимиз эрки ва озодлигини қайтариб берди, халқимиз ҳар бир соҳада мустақил фаолият юритиб, ўз йўлини ўзи танлаш имкониятига эга бўлди. Натижада қатор соҳаларда ривожланишга эришилиб, улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд хирмон бунёд этиб, улкан меҳнат ғалабасига эришган мамлакатимиз пахтакорлари ва меҳнаткашларига йўллаган табригида эътироф этилган факт ва рақамлар, маълумотлар кўксимизни фахру ифтихорга тўлдирди. Албатта, юртимизда эришилган улкан ғалаба шу юрт фарзанди сифатида ҳар биримизни ғурурлантириши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлик, иқтисодий ўсиш суратлари, халқимизнинг фаровон турмуш кечириши замирида ҳар бир соҳа вакиллари, жумладан, фермер ва деҳқонларимизнинг ҳам ҳиссаси алоҳида ўрин тутади. Кейинги беш йил мобайнида махсус давлат дастури асосида мамлакатимиз бўйича салкам 1 триллион сўм маблағ сарфланиб, 1 миллион 460 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бундан ташқари мамлакатимиз фермерларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги техника ва минерал ўғитлар билан таъминлаш борасида қатор амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу каби эътибор ва имкониятлар, албатта, ҳар бир фермер-деҳқонга куч-қувват бағишлаши билан бир қаторда унинг масъулиятини ҳам оширади.

Пахтакорларимиз етиштирган оқ толани қайта ишлаш ва турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида ҳам давлатимиз мустақиллик йилларида кенг имкониятларни қўлга киритди. Буни давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин: "Агар 90 йилларда юртимизда етиштирилган жами пахта толасининг атиги 7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ўтган давр мобайнида бу рақам қарийб 6 баробар ортиб, ҳозирги вақтда салкам 40 фоизни ташкил этмоқда.

2-бет

## Фракция ҳаёти

# Мамлакатни модернизация қилишни янги босқичга кўтарувчи

**қонун лойиҳалари муҳокама қилинди**

***Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар ва мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.***

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан тайёрланган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари томонидан парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га мувофиқ, ўтган даврда «Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш, улар фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича қонунчилик базасини янада мустаҳкамлади. Энг муҳими, Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доирасида демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган партиялараро рақобатни янада кучайтириш учун қўшимча ҳуқуқий асослар яратилди.

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш ва такомиллаштиришдан иборат.

2-бет

Диққат, обуна!

«Milliy tiklanish» газетасига 2014 йил учун обуна бўлишни унутманг. Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

Индекс: 158





"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Давра суҳбати



# ТИНЧЛИКПАРВАР СИЁСАТ

## барқарорлик ва тараққиёт омили бўлмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давра суҳбатида мамлакатимизнинг тинчликпарвар сиёсати, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги ўрни ва роли, БМТ ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистоннинг ташаббуслари каби масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов мустақилликнинг илк кунларидан давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари аниқ белгилаб берилганини алоҳида таъкидлади.

— Мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро ҳамжамият олдида турган глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этиш жараёнларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масалаларига назар ташлар эканмиз, айниқса, хавфсизлик ва барқарорлик бўйича алоқалар йил сайин янгича мазмун ва моҳият касб этиб бораётганини кузатиш мумкин. Хусусан, Президентимизнинг 1993 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида, Бош Ассамблеянинг 2000 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Минг йиллик саммитида ва 2010 йил сентябридаги Бош Ассамблеянинг Минг йиллик ривожланиш мақсадларига қаратилган ялпи мажлисида илгари сурган бир қатор ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Ушбу ташаббуслар Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг асосий шартлари сифатида қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, БМТ ва Ўзбекистон муносабатларида ушбу нуфузли ташкилот Бош котибларининг мамлакатимизга ташриф буюриши ҳам юртимизнинг минтақада, қолаверса, дунёда ўз ўрни ва мавқеига эга давлат сифатида халқаро ҳамжамият билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганлигидан далолат беради. Жумладан, 2002 йил октябрда БМТ Бош котибининг мамлакатимизга ташрифи чоғида Президентимиз ташаббуси билан Гиёҳванд, психотроп моддалар ва прекурсорларга қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш маркази ташкил этилди. Бу бугунги кунда жаҳон миқёсида ғоят кескин бўлиб турган наркоагрессияга қарши курашишда муҳим ўрин тутмоқда.

Партиямиз Ватанимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақасида тинчлик-осойишталикни таъминлашга кўмаклашишни ўзининг асосий дастурий вазифаси сифатида қабул қилган. Бу борада бугун мамлакатимизнинг турли ҳудудларида Президентимизнинг БМТ минбарларидан ва шу йил 9 май - Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан журналистларга берган интервьюсида илгари сурган ташаббус ва ғояларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда. Мазкур давра суҳбати ҳам ушбу йўналишдаги ишларимизнинг мантиқий давомидир, - деди партия раҳбари.

Таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, минтақа халқлари ўртасида дўстлик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ушбу ҳудудда жойлашган мамлакатлар ўртасида интеграция жараёнларини ривожлантириш, глобал таҳдидларга қарши биргаликда, ҳамжиҳатлик билан курашиш сингари миллий манфаатларимизни белгилашда етакчи омил ҳисобланади.

Давра суҳбатида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев "Тинчлик ва осойишталик — барча ютуқ ва марраларимиз асоси" мавзусида маъруза қилди.

— XXI асрда инсоният ўз тарихий тараққиётининг тамоман янгича даврига қадам қўйди. Бунинг энг характерли хусусияти эса глобаллашувдан иборат. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, гуманитар-маданий жиҳатдан глобаллашув миқёслари кун сайин кучайиб ва кенгайиб бормоқда. Ҳозирги пайтда бир томондан глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган бўлса, иккинчи томондан ҳар бир халқ, давлат миллий ўзига хослигини сақлаб қолиш, яъни миллий манфаатлар учун кураш авж олмоқда. Эътироф этиш жоизки, ўтган йиллар ичида дунё миқёсида сиёсий вазият ва коньюктура бир-неча маротаба ўзгарган бўлсада, мамлакатимиз ўз ташқи ва ички сиёсатида миллий манфаатлар мазмуни ҳамда асосий йўналишларига қатъиян содиқ қолмоқда.

Мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО, МДҲ, ШҲТ, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки ҳамда бошқа бир қатор нуфузли халқаро сиёсий, иқтисодий ва молия ташкилотлари билан икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантириб келмоқда. Айниқса, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ўзаро муносабатларимиз ва ушбу ташкилотда мамлакатимизнинг тутган ўрни ҳамда мазкур ташкилотнинг халқаро майдонда кун сайин ортиб бораётган обрў-эътибори Ватанимиз ташқи сиёсатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, жамиятимизда қарор топган миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик бугунги кунда халқимиз эришган энг катта ютуқ ва бойликдир. Буларнинг барчаси Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган тараққиётнинг "ўзбек модели"га асосланган ўзига хос ва ўзига мос сиёсатнинг пировард натижасидир. Энг муҳими, бу сиёсат халқимизнинг ҳаёти ва Ватанимизнинг миллий манфаатларига тамоман мосдир.

Ўрни келганда айтиш жоизки, партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари ЎзМТДП дастурий мақсадларидан келиб чиқиб Президентимизнинг мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни асрашга қаратилган даъват ва таклифлари ҳамда илгари сурган ғоя ва фикрлари асосида ташкил этилаётган тарғибот тадбирларини янги босқичга кўтариши лозим, - деди нотиқ.

Тадбирда нуфузли халқаро ташкилот БМТ ва мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, илм-фан, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликдаги амалий ишлари тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

— Мана йигирма бир йилдирки, Ўзбекистон БМТ билан изчил ва фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда, - деди давра суҳбатида "Ўзбекистоннинг БМТ билан бугунги кундаги ўзаро ишончли ва мустаҳкам муносабатлари" мавзусида маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Улуғбек Жалменов. — Маълумки, БМТ Бош ассамблеясининг 2010 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидан сўнг мамлакатимизда 2011-2015 йилларда Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар комплекси тасдиқланди. 2011 йилнинг ноябрь ойида пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Болалар жамғармаси, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ҳамкорлигида "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзуида халқаро симпозиум ўтказилди.

Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрда қабул қилинган "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори асосида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, бу каби саъй-ҳаракатлар юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузи янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида Юртбошимизнинг "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" рисоласи, "Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазмун-моҳияти хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир фикр-мулоҳаза ва таклифларга бой, конструктив руҳда ўтди. Якунда бу каби тадбирлар ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган партиянинг Ўзбекистон Республикасининг жаҳон майдонидаги мавқеи мустаҳкамланишига, нуфузи ошишига ҳар томонлама кўмаклашиш вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий партия ташкилотларида ҳам ўтказилиши белгиланди.

***Руҳшона ХУДОЁРОВА,***
***ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси:***

— Бугунги осойишта ва фаровон ҳаётимиз замирида тинчлик деб аталмиш улуғ неъмат ётади. Ҳозирги вақтда дунёда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар сабабларини, мамлакатимизнинг нуфузли халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқасини ҳамда ташқи сиёсати стратегиясини ўрганиш талаб этилади. Мамлакатимизнинг бугунги кунда эришган ютуқларини асраб-авайлаш, Ватан равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш шу юртда униб-ўсаётган ёш авлод вакилларининг муқаддас бурчидир. Ўйлайманки, ЎзМТДП томонидан ташкил этилган бундай тадбирлар юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигини мустаҳкамлашда биз ёшларни янада жипслаштиради.

***Юлдуз ЗОИРОВА,***
***тадбир иштирокчиси:***

— Мен келажаги порлоқ, озод ва обод юртда яшаётганимдан фахрланаман. Давлатимиз томонидан биз ёшларнинг таълим олиб, ўзимиз истаган касбнинг муносиб эгаси бўлишимиз учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилган. Биздан эса фақат ва фақат ўқиш, изланиш, ўз устимизда ишлаш талаб этилади, холос.

Истиқлол даврида яшаётган ёш авлод бугунги дориломон кунлар ортида Юртбошимизнинг узоқни ўйлаб юритаётган оқилона ва одилона сиёсати ётганини яхши англайди. Бугунги тадбирда Ўзбекистонинг дунёда ва Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш бўйича ташаббуслари ҳамда бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлиги тўғрисида ўзимни қизиқтирган кўплаб маълумотларга эга бўлдим.

**Камолиддин ҲОТАМОВ,**
**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбирлари**

Муносабат

# Ютуқлар ифтихор бағишлайди

## ишонч эса масъулиятни оширади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу, ўз навбатида, олдимизда турли муаммоларни ечиш, минг-минглаб юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизни замонавий иш жойлари билан таъминлаш, аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш имконини бераётганини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас."

Юрт тинчлиги ва осойишталиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлигига кўмаклашишни бош мақсади сифатида белгилаган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда юртимиз меҳнаткашларини ҳамиша қўллаб-қувватлайди.

**Шавкат БОЛТАЕВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

# Фидокорона меҳнатимиз

## мамлакатимиз тараққиёти ва ривожланиши учун

***Муҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригини фермер хўжалигимиз аъзолари билан биргаликда ўқиб, ниҳоятда қувондик. Бу табрикда бизнинг вилоятимиз ҳам илғорлар қаторида қайд этилгани эса кўнглимизни тоғдек кўтариб юборди.***

Табрикдаги, айниқса "ерни том маънода ҳақиқий эгасига топшириш, аграр соҳада ўзига хос мактаб яратган илғор фермерларнинг иш тажрибасини ёшларга ўргатиш, замонавий билим ва малакага эга бўлган янги фермерлар авлодини тарбиялаш каби ўта муҳим вазифалар эътиборимиз марказида туриши зарур", деган сўзлари эътиборга моликдир. Демак, келгусида янада астойдил меҳнат қилишимиз, деҳқончиликдаги бой тажрибамизни ёшларга ўргатиб, янги фермерлар авлодини шакллантиришимиз талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, соҳага фан ва техникадаги илғор ютуқларнинг жорий этилиши, эртапишар, серҳосил ва саноатбоп янги ғўза навларини яратиш ютуқларимиз омили бўлмоқда, десам хато бўлмайди. Яқинда ўз ишини якунлаган, дунё пахта саноатидаги йирик воқеалардан бири бўлган IX халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида 680 минг тонна пахта толаси савдоси бўйича шартномалар имзолангани эса жаҳон бозорида ўзбек пахта толасига харидор кун сайин кўпайиб бораётганини билдиради. Пахтачиликда эришаётган бундай ютуқларимиз омили шуни кўрсатмоқдаки, аввалambор, мамлакатимизда ер ҳақиқий эгасини топди, фермерларда мулкдорлик ҳисси шаклланди, деҳқонларнинг унумли меҳнат қилиши учун барча қулайликлар яратиб берилди.

Жорий йилда фермер хўжалигимиз 53 гектар майдонда пахтанинг серҳосил бўлган "Бухоро-6" навини парваришлаб, 234 тонна хирмон уйдик. Гектаридан 44-45 центнерга етказиб ҳосил олишга эришдик. Жамол Болтаев, Жамил Бозоров, Сайим Ҳалилов, Ихтиёр Жумаев, Бўрон Болтаев, Салоҳиддин Расулов, Шоира Нажмиддинова, Норжаной Бозорова каби аъзоларимиз режани 18 терим кунида бажаришда барчага ўрнак ва намуна бўлишди. Ҳисоб-китобларга кўра, йил якунида биргина пахтачиликдан 47 миллион сўм соф фойда оламиз.

Парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда таъкидланганидек, босқичма-босқич амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар жараёни сиёсий партиялар, шу жумладан, маҳаллий кенгашлар депутатлари зиммасига ҳам қатор вазифалар юклади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастури ва сайловолди платформасида таъкидлаб ўтилганидек, одамларда ерни асраб-авайлаш кўникмасини шакллантиришга, қишлоқларда мулкчиликнинг янги шакли — фермерликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга, қишлоқ хўжалиги субъектларига хизматлар кўрсатиш тизимини янада ривожлантиришга, қишлоқ ва шаҳарнинг ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яқинлаштиришга кўмаклашиб бораяпмиз.

Бугун қайси бир фермер билан суҳбатлашманг, пахтадан баракали хирмон уйиб, кутилганидек даромад олганлигини қувонч билан айтади. Ана шу қувонч замирида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани, аҳоли турмуш даражаси, фаровонлиги юксалаётгани, қишлоқ ва шаҳарларимиз ободлиги ётибди. Бундай улкан ислоҳотларни амалга оширишда биз ҳам четда турмай, ўз меҳнатимиз билан иштирок этаётганимиздан мамнунмиз.

**Қўчқор КАРИМОВ,**
**фермер, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор,**
**халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат**

Фракция ҳаёти

# Мамлакатни модернизация қилишни янги босқичга кўтарувчи

## қонун лойиҳалари муҳокама қилинди

(Давоми. Боши 1-бетда)





Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳамда вилоятлар марказлари бўлган шаҳарлар Кенгашларида партия гуруҳларини ташкил этишнинг энг кам миқдори, партия гуруҳи фаолиятини тугатишнинг аниқ нормалари белгиланмоқда. Шунингдек, партия гуруҳларига тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш, тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш каби ҳуқуқлар берилмоқда. Эътиборлиси, партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари Кенгашига киритиладиган масалалар бўйича таклифлари кўриб чиқилиши шартлиги назарда тутилмоқда.

Ушбу масала юзасидан сўз олган фракция аъзолари қонун лойиҳасининг қабул қилиниши сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишдаги иштирокини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди. Қолаверса, жойлардаги партиямиз депутатлик гуруҳлари томонидан сайловолди Платформамизда кўзда тутилган вазифалар ва дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришдаги фаоллик, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада оширишда ушбу қонун лойиҳаси муҳим ҳуқуқий кафолатдир. Қолаверса, мазкур қонун лойиҳаси ташаббускорлари орасида ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг ҳам борлиги уни якдил қўллаб-қувватлашга асос бўлди.

Фракция йиғилишида шунингдек, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди

— Лойиҳанинг асосий мазмун-моҳияти ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг кўп қиррали тизимини амалга ошириш принципи негизида давлат тузилмалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари шакллантирадиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бутун тизими фаолиятининг асосини қонуний мустаҳкамлашдан иборат, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси О.Оқилов. — Қонун лойиҳаси жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги амалдаги қонунчиликни модернизация қилишга қаратилган. Қолаверса, мазкур қонун лойиҳаси давлат тузилмалари билан турли жамоатчилик институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг барча босқичларида унинг механизмини такомиллаштириш билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қўлланиладиган чораларнинг тизимлилиги ва тартиблилигини мустаҳкамлаш имконини беради.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан ўзларининг аниқ, асосли фикр, таклифларини баён этдилар. Уларнинг фикрича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларида акс этган мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳар бир шахснинг Конституция ва қонунлар билан кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқариш каби вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

MILLIY TIKLANISH
42 (259) 2013 йил
30 октябрь, чоршанба



Партия лойиҳаси

# АЛЛА — СЕҲРЛИ ҚЎШИҚ

**ЎзМТДП "Аёллар қаноти" лойиҳаси халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади**

***Алла ҳар биримизнинг болалигимизни, онамизнинг меҳрини ҳис қилган илк туйғуларимизни эслатади. Илк тинглаган қўшиғимиз ўзининг сеҳрли оҳанги билан юрагимизнинг туб-тубидан шундай жой олганки, уни ҳатто ҳозир тингласак ҳам вужудимизни сохир ва сокин туйғулар эгаллайди.***





Йиллар ўтса-да ўзининг қадр-қимматини, аҳамиятини йўқотмай бизгача етиб келаётган қадриятларимиздан саналган алла ҳозир ҳам ҳар бир ўзбек хонадонида жаранграмоқда. Унинг сеҳрли сўзлари ва куйи билан вояга етаётган фарзандлар юрт корига ярайдиган, ватанпарвар, меҳр-оқибатли бўлиб улғайишлари шубҳасиз.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши, Ўзбекистон давлат Консерваторияси ва Республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган "Баркамол авлод тарбиясида аёллар маънавиятининг ўрни" шиори остида турли миллат вакилларининг анъанавий "Алла" фестивали мамлакатимиздаги турли миллатларнинг миллий алласи намойишига айланди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, "Аёллар қаноти" етакчилари, Республика Байналмилал маданият маркази ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси вакиллари, фольклор жамоалар, санъат усталари иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида "Миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборатдир", деб таъкидланган. Ушбу эзгу мақсадлар рўёби, энг аввало, оилаларда, фарзанд тарбияси учун масъул ҳисобланган аёллар воситасида амалга оширилади. Бугунги фестивал доирасида турли халқларнинг миллий қўшиғи саналган "Алла"ни тинглаш имконияти партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифаларининг амалга оширилишига ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, партиямиз сайловолди Платформасида халқлар ва миллатларнинг ўзига хослигини сақлаш, миллий ва умуминсоний маданиятни ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. — Бугунги фестиваль партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, кенг тарғиб қилиш, юртимизда истиқомат қилувчи турли миллат вакилларининг ўзига хос миллийлигини намойиш этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир, - деди партия етакчиси.

Шундан сўнг юртимиздаги турли миллат вакиллари ўзларининг энг оммабоп ва миллий аллаларини ижро этиш учун саҳнага таклиф этилди. Таъкидланганидек, ЎзМТДП томонидан 2010 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу анъанавий фестивал доирасида ўзбек миллий аллаларидан ташқари озар, поляк, немис, турк, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ, татар ва бошқа бир қанча миллат аллалари иштирокчилар томонидан юксак савияда ижро этилиб, алланинг нақадар сеҳрли кучга эга эканлиги намоён этиб келинмоқда. Шу билан бирга, иштирокчиларнинг юртимиздаги бошқа миллат вакилларининг ҳам урф-одатлари тўғрисидаги тасаввурлари янада бойитилмоқда.

Бундан ташқари мазкур тадбир миллий маданий марказлар томонидан миллий қадрият, халқнинг бой маънавий меросини асраш ва уни миллатлар ўртасида тарғиб қилишга, шунингдек, мамлакатимизда бир оиладек шаклланган барча миллат ва элат вакилларини ягона мақсад — миллатлараро тотув ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Фестиваль якунида иштирокчилар партия ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

- ***Алла — миллий ва маънавий қадрият***
- ***Комил инсон — миллий ғоямизнинг таркибий қисми***
- ***Фестиваль анъана тусини олди***
- ***Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик — ягона мақсад***
- ***Алла — барча миллатларнинг қўшиғи***

***Ханифа ЗОКИРОВА,***
***ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бўлим бошлиғи:***

— Ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этилаётган фестивалнинг йилдан-йилга аҳамияти ортиб бормоқда. Хусусан, мамлакатимизда фаолият юритаётган кўплаб миллий-маданий марказлар фестивалда иштирок этиш ниятини билдиришди. Уларнинг миллий аллалари тадбир иштирокчиларида катта таассурот уйғотди. Зеро, алла қайси тилда ижро этилишидан қатъий назар миллий оҳанги, таъсирчанлиги билан қимматли. Фестиваль партия дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш баробарида халқлар ўртасида дўстлик ришталарини боғлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

***Дилафруз УСМОНОВА,***
***тадбир иштирокчиси:***

— Фестивалда Хитой халқ миллий алласини ижро этдим. Хитойча аллада ўша халқ оналарининг орзу-умидлари, фарзандига бўлган меҳр-муҳаббати, миллий анъаналари, қадриятлари мужассам. Қўшиқни ижро этаётганимда томошабинларнинг илиқ муносабати менга янада кўпроқ куч бағишлади. Алла қайси тилда айтилмасин халқларни таржимонсиз бирлаштиради, мустаҳкам ришталарни боғлайди. ЎзМТДПнинг бу каби тадбирлари юртимизда турли миллат вакилларини янада аҳил-иноқ яшашлари йўлида муҳим воситалардан бирига айланиши шубҳасиз.

**Шоҳида МИРЗАЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Ташаббус ва натижа

# Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси

**халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши сессиясига киритилган ташаббус-масала партиянинг тиббиёт соҳасидаги вазифалари рўёбида муҳим аҳамият касб этади**

***Бугун мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида инсон саломатлиги, унинг хотиржамлиги ва осуда турмуш кечиришига бўлган эътибор мужассам, десак муболаға бўлмайди.***

Айниқса, тиббиёт тизимида изчил изланиш, янгича ёндашувларни амалиётга татбиқ этиш, кадрлар малакасини ошириш, аҳолига жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатишдек муҳим вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда жаҳон тиббиётининг энг илғор ютуқлари республикамиз соғлиқни сақлаш тизимига самарали татбиқ этилишида, соҳанинг юқори суръатлар билан ривожланиб боришида, ҳеч шубҳасиз, соҳага оид қабул қилинаётган қонунлар, Президент Фармонлари ва қарорлари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, юртимизда 1 ёшгача бўлган гўдаклар ва оналар ўлими 3 баробарга камайди, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайиб, эркаклар ўртасида 73, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етди.

Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб юртимизда "Йод етишмовчилиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини кенг аҳоли қатламлари орасида тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши сессиясига ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан партия дастури ва мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги Қонунининг Фарғона вилоятидаги ижроси масаласи ташаббус сифатида киритилди.

Эътироф этиш жоизки, партия сайловолди Платформасида аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлашга, ижтимоий хавфли касалликлар профилактикаси ва уларга барҳам беришга, Абу Али ибн Сино каби буюк бобокалонларимизнинг асарларида ўз ифодасини топган, Ўзбекистон халқига тарихан хос бўлган соғлом турмуш тарзи анъаналари ва саломатлик маданиятини тарғиб қилишга қаратилган миллий давлат дастурлари рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

— Бугун дунё тараққий этиб, одамлар турмуш тарзи яхшиланиб, дунёқараши тубдан ўзгариб бораётгани баробарида инсон саломатлиги билан боғлиқ муаммолар ҳам пайдо бўлмоқда, - дейди халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Ҳалимжон Ҳасанов. — ЎзМТДПнинг тиббиёт соҳасидаги мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, соҳада қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида депутатлик гуруҳимиз томонидан муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Партия ҳудудий Кенгашлари билан ҳамкорликда турли тадбир, учрашув, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Уларга, айниқса, маҳалла ва қишлоқ аҳлининг жалб қилинаётгани яхши самара бермоқда.

"Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"-ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилоят Эндокринология диспансери билан ҳамкорликда вилоятда тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Вилоят эндокринологлари томонидан аҳоли орасида йод танқислиги касалликларининг олдини олиш, уни эрта аниқлаш мақсадида тиббий кўриклар ўтказилмоқда. Хусусан, 74 минг 845 нафар болалар, 30 минг 912 нафар ўсмир, 81 минг 25 нафар туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди. Ўтган йил билан солиштирганда диффуз буқоқ 1 даражаси 39,1 фоиз, диффуз буқоқ 2 даражаси 26,9 фоизга ва қалқонсимон без касалликлари эса 41 фоизга камайган, - дейди суҳбатдошимиз.

Вилоятда ош тузидаги йод миқдорини аниқлаш борасидаги текширув натижаларига кўра, Қўқон шаҳри, Ўзбекистон, Қува, Бешариқ, Боғдод, Олтиариқ, Фарғона туманларида бу кўрсаткич нисбатан яхши экани аниқланди. Тошлоқ, Қўштепа туманлари ҳамда Қувасой ва Фарғона шаҳарларида ош тузининг етарли миқдорда йодланмагани аниқланган бўлса, Сўх туманида эса текширувдан ўтган ош тузларининг барчасида йод миқдори нормадан камлиги исботланди. Шунингдек, ош тузининг меъёридан ортиқ кўп йодланиши ҳолатлари Фарғона ва Марғилон шаҳарлари ҳамда Қўштепа туманида кузатилди.

Бу борадаги сайъ-ҳаракатларни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш мақсадида сессияга киритилган ташаббус-масала ўрганиб чиқилиб, қарор қабул қилинди. Вилоят кенгаши сессияси қарорида бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан мутасадди шахслар ва корхона ҳамда ташкилотлар зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилди. Жумладан, Қувасой, Фарғона шаҳарлари ҳамда Тошлоқ, Қўштепа ва Сўх туманлари ҳокимларига қонунда белгиланган талаблар, унинг бажарилишини назорат қилиш, бу борадаги масъуллар масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиш вазифаси топширилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бошқа дахлдор бошқармалар ҳамкорлигини кучайтириш, қонунда белгиланган талабларнинг бажарилишини назорат қилиш ва тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш белгиланди. Депутатлар, оммавий ахборот воситалари, масъул бошқармалар ҳамкорлигида қонун мазмун-моҳияти юзасидан тарғибот ишларини олиб бориш, учрашув ва телекўрсатувлар ташкил этиш, бу борада амалга оширилган ишлар юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ҳисобот бериш вазифаси юклатилди.

Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кирди. Демакки, шу кундан бошлаб депутатлик гуруҳининг масъулияти янада ошди. Қарор ижросини таъминлаш борасида партия билан ҳамкорликда саъй-ҳаракат олиб бориш, аҳолининг тиббий маданияти ва саводхонлигини ошириш, электорат билан бу борада турли учрашув ва тадбирлар ташкил этиш вазифаси ҳар бир депутат кун тартибидан жой олмоқда. Вилоятда қарор ижросининг таъминланиши юзасидан депутатлик назоратининг олиб борилиши ҳам маҳаллий кенгаш депутатлари ва партиянинг халқ орасидаги нуфузи ошишига хизмат қилишини ЎзМТДП фаоллари ва депутатлик гуруҳи аъзолари ёдда тутишлари лозим.

- ***Юртимизда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайди***
- ***"Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги Қонун МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда қабул қилинди***
- ***ЎзМТДП депутатлик гуруҳи халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши сессиясига қонун ижросини ташаббус-масала сифатида киритди***
- ***74845 нафар болалар, 30912 нафар ўсмир, 81025 нафар туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди***
- ***Сессия қарор қабул қилди***

**Ш.ДАМАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Хроника

# Хотин-қизлар маънавияти

**жамият ривожи ва баркамол авлод тарбиясининг муҳим омили**

## ФАРҒОНА

— Юртимизда мустақилликнинг илк кунларидан аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи устувор вазифа этиб белгиланди, - деди "Жамиятнинг маънавий ривожида аёлларнинг роли" мавзусида ўтказилган тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Қува туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раис ўринбосари З.Алиева. — Хусусан, соҳанинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлангани хотин-қизларга ҳар томонлама муносиб шароит яратиб бериш йўлидаги саъй-ҳаракатларда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда иштирок этган туман Кенгаши фаоллари ва "Аёллар қаноти" етакчилари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ходимлари хотин-қизларнинг мамлакатда кечаётган сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда фидойи, юксак салоҳиятли, янгиликка интилувчан, ўз касбининг устаси бўлган аёлларни партия сафида бирлаштириш лозимлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

## СИРДАРЁ

ЎзМТДП Гулистон туман Кенгаши томонидан "Тил — маънавият кўзгуси" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

— Тилга эътиборсиз — элга эътибор номли шоҳ сатрлар асрлар оша авлодлар қалбига ўзгача шукуҳ бахш этиб келмоқда, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Ҳ.Юлчиева. — Бугун ўзбек тили жаҳон миқёсида янграмоқда, десак янглишмаган бўламиз. Буни ўтказилаётган миллий ўзбек кураши халқаро мусобақаларида ўзбекча сўзлар айтилганда, анжуманларда Ватанимиз мадҳияси янграётганда, чин дилдан ҳис этамиз ва ғурурланамиз. Ўрни келганда айтиш жоизки, партия сайловолди Платформасида тил, нутқ маданиятини оширишга кўмаклашиш, адабий тилдан фойдаланиш қоидалари бузилишига қарши аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб бориш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур тадбир ёшлар орасида саводхонликни ошириш, уларни тил маданияти қоидаларини янада кенгроқ ўрганишга ундаши шубҳасиз.

Тадбирда иштирок этган бир гуруҳ ижодкорларнинг она тилимизга бағишланган шеърлари, она-Ватан, миллий қадриятларимизни тараннум этувчи куй-қўшиқ ва дилрабо рақслар давра суҳбатига ўзгача шукуҳ бахш этди.

## САМАРҚАНД

Партия Самарқанд туман Кенгаши томонидан ўтказилган "Тил — миллат руҳи" мавзусидаги давра суҳбатида бот-бот таъкидланганидек, она тилимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш ва уни янада бойитишга кўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий вазифаларидан бири саналади.

— Халқаро тилларни пухта ўзлаштириш миллий маънавий меросимизни жаҳон халқларига етказиш имкониятини беради, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Самарқанд туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Р.Наимов. — Шундай экан, хорижий тилларни ўрганиш билан бир қаторда она тилимизни асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг вазифасидир.

Нотиқ сўзида давом этар экан, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунининг 22-моддасида географик номлар, шаҳарлар, қишлоқлар, кўчалар, майдонлар ва бошқа ижтимоий — маданий аҳамиятга молик объектлар номлари фақат давлат тилида бўлиши кераклиги белгилаб қўйилганини алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг у "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг тўлақонли ижросини таъминлашда мутасадди ташкилотлар қаторида ЎзМТДП томонидан амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтди.

Тадбирда депутатлар, ижодкорлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда ёшлар сўзга чиқиб, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

## ХОРАЗМ

ЎзМТДП Гурлан туман Кенгаши ташаббуси билан "Аёл маънавияти — баркамол авлод тарбиясининг муҳим омилидир" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда "Аёллар қаноти" фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни "Аёллар қаноти" етакчиси Н.Нуриллаева кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди: — Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, уларни жамиятдаги мавқеини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар, турли кўрик-танловлар, илмий-амалий конференциялар, ўқув-семинарлар ўтказиб келинмоқда. Бугунги тадбир ҳам айни шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, оилалар тинчлиги миллий қадриятлар асосида камол топаётган ёш авлод тарбияси, аввало, аёл маънавияти ва дунёқарашига боғлиқ. Ҳудудий партия ташкилотлари томонидан ўтказилган тадбирлар ёшлар ва хотин-қизларни жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида фаол иштирокини таъминлашда алоҳида ўрин тутади.

Тадбир якунида ёш оила вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# ЎзМТДП дастури — амалда

Партия дастури — амалда



## Электорат манфаатлари

**ёрқин лойиҳалар асосида таъминланмоқда**

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, партия Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Республика "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзусида амалий семинар ташкил этилди.***

Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Қашқадарё вилоят Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзолари, партиянинг туман, шаҳар ва бошланғич ташкилотлари етакчилари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Республика "Ҳунарманд" уюшмаси вилоят бошқармалари масъул ходимлари, ҳудуддаги ҳунармандлар, касаначилар, оилавий тадбиркорлар ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

— Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда барча соҳаларда кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилмоқда, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Урал Ҳаитов. — Хусусан, халқимизнинг миллий қадрият ва анъаналарини тиклаш ҳамда ривожлантириш, аждодларимизнинг бой маънавий меросини чуқур ўрганиш борасида салмоқли қадамлар ташланди. Айниқса, миллий ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, устоз-шогирд анъаналарини давом эттириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида миллий ҳунармандчиликнинг барча турларини, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, партия электорати бўлган ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва кенг имкониятлар яратиш, имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашиш каби бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Ушбу дастурий мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия ташкилотларида миллий ҳунармандчиликнинг барча турларини, халқ ҳунармандчилигига хос бўлган анъанавий "устоз-шогирд" мактабини ривожлантириш йўлида қатор саъй-ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, партиянинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва "Ҳунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликдаги миллий ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини имтиёзли кредитлаш лойиҳаси бунинг ёрқин мисолидир, - деди нотиқ.

Дарҳақиқат, мазкур лойиҳа асосида 2012 йил ва 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида ЎзМТДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Хоразм, Наманган, Сурхондарё, Бухоро ҳамда Фарғона вилоят Кенгашларида ўтказилган семинарларда 300 нафарга яқин ҳунарманд ва оилавий тадбиркорларга 7 миллиард 600 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида жойларда 500 га яқин янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли ва коллеж битирувчилари иш билан таъминланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг инвестициялар портфелини мониторинг қилиш департаменти бош иқтисодчиси Акром Ҳайдаров сўзга чиқиб, ҳунармандларга банк хизматлари бўйича маълумот берди ҳамда партия лойиҳаси борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди:

— ЎзМТДП билан ўзаро ҳамкорликдаги мазкур лойиҳа доирасида ҳунармандлар ва оилавий тадбиркорлар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Бундан ташқари уста-ҳунармандларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини янада ошириш мақсадида уларга соҳага оид қонун ва қонуности ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти атрофлича етказилмоқда. Тижорат банклари томонидан ҳунармандларга мўлжалланган хизматлар тўғрисида маълумотлар берилади. Шунингдек, лойиҳа доирасида ташкил этиладиган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси орқали ёш истеъдод эгалари аниқланади, соҳага қизиқиши бўлган ёшлар миллий ҳунармандчиликнинг турли йўналишлари бўйича касбга йўналтирилади.

***1. ЎзМТДП лойиҳаси натижасида 300 нафарга яқин ҳунарманд ва оилавий тадбиркорларга 7 миллиард 600 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди.***

***2. Жойларда 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.***

***3. Қашқадарёда 38 нафар ҳунармандга 600 млн сўмга яқин имтиёзли кредитлар олиш учун сертификатлар топширилди***

— Семинарда эътироф этилганидек, миллий қадриятларимиз асоси бўлган миллий ҳунармандчилик соҳаси ҳудудда тобора тараққий этиб, ёшларнинг касб-ҳунарли бўлишларида муҳим аҳамият касб этаётир, - деди халқ депутатлари Китоб туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Гуландон Сатторова. - Айниқса, бугунги кунда Китоб туманида бешик ва сандиқсозлик, Касбида кулолчилик, Шаҳрисабзда каштачилик, гиламчилик, Косонда темирчилик, Ғузорда дурадгорлик ва ёғоч ўймакорлиги, Қарши тумани ва Қарши шаҳрида миллий либослар тикиш, миллий қўғирчоқлар ясаш каби ҳунармандчилик турлари ривожланган. Ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан ҳудудда миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва партия электорати бўлган уста-ҳунармандларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қатор тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Бундан ташқари партия депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан Китоб, Қарши, Миришкор, Деҳқонобод ва Косон туманларининг касб-ҳунар коллежларида миллий ҳунармандчилик турлари бўйича тўгараклар, маҳаллаларда "устоз-шогирд" мактаблари ташкил этилди. Ҳозирда мазкур мактабларда кўплаб ёшлар уста-ҳунармандлардан халқ амалий санъати сир-асрорларини ўрганмоқдалар.

Семинар давомида намойиш қилинган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмасида иштирокчилар вилоятдаги уста ва ёш ҳунармандларнинг қўл меҳнатлари билан танишдилар. Тадбир якунида 38 нафар ҳунармандга 600 млн сўмга яқин имтиёзли кредитлар олиш учун сертификатлар топширилди.

***Янгибой ХУШВАҚТОВ, ҳунарманд:***

— Мен ҳунармандчиликнинг заргарлик йўналишида фаолият олиб бораман. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ташкил этилган мазкур амалий семинарнинг уста ҳунармандлар фаолиятини ривожлантиришдаги ўрни беқиёсдир. Партия кўмаги билан ажратилган 15 млн сўмлик имтиёзли кредит эвазига оилавий тадбиркорлигимизни жонлантириб, фаолиятимизни янада кенгайтирамиз. Семинар давомида оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича берилган маълумот ва тавсиялар ҳуқуқий билимларимизни янада оширди, фаолиятимизда дуч келинадиган қонуний меъёрлардан тўлиқ хабардор бўлдик.

***Ситора РАУПОВА, зардўз ҳунарманд:***

—Ёшлигимдан зардўзликка қизиқардим. Ҳозирда миллий ҳунармандчиликнинг ушбу йўналишида ўз маҳоратимни ошириб, бир-биридан бежирим зардўзлик маҳсулотларини тайёрлаяпман. Партия лойиҳаси асосида 50 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олишга муяссар бўлдим. Бу фаолиятимни кенгайтиришимда муҳим аҳамият касб этади. ЎзМТДПнинг ҳунарманд ва касаначиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган барча амалий ишлари кўплаб ҳунармандлар томонидан эътироф этилмоқда.

**Шерзод ҚУРБОНОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Ҳуқуқий эксперимент

## Тажриба жараёнлари

**мукаммал қонун яратилишига асос бўлади**

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишига кўра, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳуқуқий синовдан ўтказилмоқда. Эътироф этиш жоизки, мазкур тажриба мамлакатимиз қонунчилик тизимида илк бор қўлланилаётганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.***

Ушбу қонун лойиҳаси давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишнинг ҳуқуқий тартиб-қоидалари ва механизмларини аниқ белгилашга қаратилган. Қонун лойиҳасини тайёрлашда қатор ривожланган демократик давлатларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот очиқлигини таъминлаш тажрибаси ўрганиб чиқилди. Бугунги кунда ҳар иккала вилоятда қонун лойиҳаси нормалари ҳуқуқий тажрибадан ўтказилмоқда.

"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"-ги қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш учун туманимиз миқёсида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, аҳолининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, фуқароларнинг жамият ҳаётидаги ислоҳотлар, юртимизда кечаётган воқеликлардан хабардорлигини ошириш муҳим вазифалардан саналади. Бу борада субъектларда фуқароларнинг ахборот олишлари учун қулайлик яратиш мақсадида алоҳида хона ажратилиб, қабул кунлари, иш тартиби ва ташкилот фаолиятига доир бошқа ахборот ойналари ташкил қилинган. Туманимизда фаолият кўрсатаётган 67 та ташкилот ва идоралар ҳуқуқий эксперимент субъекти сифатида рўйхатга олинган. Туман ҳокимлигида Ахборот хизмати ташкил этилиб, унинг зиммасига белгиланган тартибда ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, ҳокимлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг миллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини таъминлаш, интернет тармоғида ҳокимлик веб-сайтига кунлик янги маълумотларни киритиб борилишини ташкил қилиш ва уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш юклатилган.

Ахборот хизмати учун ажратилган хона компьютер жамланмалари, телефон ва факс аппаратлари билан техник жиҳозланган. Ҳоким ва унинг ўринбосарларининг қабул кунлари, иш тартиби, фармойиш ва қарорлар акс эттирилган стендлар ташкил қилинган. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни барча кириши мумкин бўлган бинолар ва жойларда жойлаштириш тартиби ҳақидаги муваққат низом, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш субъектлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ахборот таҳлили ва архив фондлари орқали ахборот тақдим этишнинг вақтинчалик тартиби ишлаб чиқилган.

Ҳуқуқий тажрибани амалга ошириш доирасида туманда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг интернет тармоғидаги веб-сайтига ахборотни жойлаштириш ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида оғзаки ва ёзма шаклда ахборот тақдим этиш тартиби ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш регламентлари ишлаб чиқилган. Туман ҳокимлиги веб-сайти — 'www.samarqand.pastdargom.uzда янгиликлар ва ахборотлар жойлаштирилиб борилмоқда.

"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ҳуқуқий экспериментдан ўтказиш бўйича Президентимиз Фармойиши ижросини назорат-таҳлил қилиб бориш бўйича туман штаби иш олиб бораётир. Ҳудуддаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида қонун лойиҳасининг мақсади, мазмун-моҳияти юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан,мазкур ҳуқуқий ҳужжат давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳоли кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилганлиги кенг оммага етказилаяпти.

Ўтган давр мобайнида ҳуқуқий эксперимент доирасида "Ҳуқуқий тажриба синови", "Ахборот очиқлиги -имкониятлар кўламини оширади", "Мурожаатлар - маҳалла фаоллари эътиборида" каби мавзуларда туман ва вилоят оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинди. Фуқаролар томонидан келиб тушган мурожаатлар 92 тани ташкил қилиб, қонунда белгиланган тартибда уларга жавоб қайтарилди. Бошқарув органларининг тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтириш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил этилиб, кенг маълумотлар берилди. Бу тадбирларда халқ депутатлари маҳаллий кенгаш депутатлари, малакали мутахассислар иштирок этишди.

- ***Туманда 67 та ташкилот ва идора ҳуқуқий эксперимент субъекти саналади***
- ***Ахборот хизмати замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган***
- ***Веб-сайт мунтазам янгиланиб турилади***
- ***92 та мурожаатга жавоб қайтарилди***

Таъкидлаш жоизки, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун лойиҳасининг ҳуқуқий экспериментдан ўтказилиши мамлакатимизда ахборот олишнинг очиқлиги ва ошкоралиги таъминланишида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, туманимиздаги ҳар бир идора ва ташкилотлар, шунингдек, фуқаролардан бу жараёнларда фаол иштирок этишлари талаб қилинади.

**Учқун АМИРОВ,**
**Пасдарғом туман ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бошлиғи,**
**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ЎзМТДП маҳаллий кенгашларида

## Депутатлик гуруҳлари

**фаолиятини янада жонлантириш партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларини таъминлашга хизмат қилади**

***Мамлакатимизда жамият ҳаётини демократик талаблар асосида модернизация қилишга асосий вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада зарур ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилиб, улар изчил такомиллаштириб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар, жумладан, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган ғоялар ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.***

Дарҳақиқат, кўппартиявийлик тизимига оид қонунчилик асосларини маромига етказиш, жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларида партиялараро рақобат муҳитини кучайтириш ва кенгайтириш бу борадаги эзгу мақсадлар рўёбининг муҳим ва зарурий шартидир. Президентимиз 2010 йилнинг январида бўлиб ўтган парламент палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" номли маърузасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партиялар гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этиш ишига партияларнинг таъсирини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Маълумки, сиёсий партиялардан ҳудудий Кенгашларга сайланган депутатлар партия гуруҳларига бирлашадилар. Бу эса жойларда ҳар бир партия электорати манфаатларига тааллуқли ижтимоий-иқтисодий масалаларни бевосита улар томонидан ўрганишга, ушбу масалалар ечими бўйича ҳокимиятнинг маҳаллий ва ҳудудий вакиллик органлари даражасида аниқ таклифлар ишлаб чиқиш, уларни тегишли Кенгаш сессияларида, доимий комиссиялар йиғилишларида илгари суришга ва уни ижобий ҳал этишга имкон беради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини, бой тарихий меросини асраб-авайлаш ҳамда бойитишга кўмаклашишни ўзининг асосий мақсади деб билади. Партиямиз миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдириш, ушбу ғоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ҳамда ижодкорлик фаолиятига сафарбар этиш борасидаги вазифаларини ҳудудий Кенгашлардаги ўз вакиллари орқали амалга ошириб, юртимизда кечаётган демократик ислоҳотларда фаол иштирок этишга интилмоқда. Бугунги кунда партиямиз Марказий Кенгаши халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг фаолиятини тубдан кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ЎзМТДП Марказий Кенгаши XI Пленумида жойлардаги партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларимиз ҳудудларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнидан чуқур хабардор бўлиб, электоратни қандай масала-муаммолар ўйлантираётганлигини доимий равишда мониторинг қилиб боришлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида ташаббус билан чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришишлари устувор вазифа сифатида белгиланди.

Жорий йилда халқ депутатлари ҳудудий Кенгашларидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари фаолияти янада жонланди. Уларнинг ҳудудий партия тузилмалари ҳамда парламентдаги партия фракцияси билан ўзаро ҳамкорлиги туфайли фаолият самарадорлиги ошиб бормоқда. Депутатлик гуруҳларининг қарорлар қабул қилишдаги иштироки ўсиб бормоқда. Бунинг тасдиғи сифатида депутатлар фаолиятига боғлиқ айрим рақамларни таҳлил қилсак.

2012 йилнинг 9 ойи давомида халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДПдан сайланган депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан 148 та депутатлик сўровлари, шу жумладан, 5 та қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси бўйича депутатлик назорати амалга оширилган. 2013 йилнинг 9 ойи давомида 262 та депутатлик сўровлари, шу жумладан, 14 та қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси бўйича депутатлик назорати амалга оширилган.

- ***Жорий йилнинг 9 ойида 262 та депутатлик сўрови, 14 та депутатлик назорати амалга оширилди***
- ***51 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди***
- ***Депутатлик гуруҳлари томонидан 72 та таклиф киритилди***
- ***Таклифлар сони ўтган йилдагига нисбатан 2 бараварга ошди***
- ***2012 йил — 13 та, 2013 йилнинг тўққиз ойида — 28 та ташаббус-масала олиб чиқилди***

2012 йилнинг 9 ойи давомида Халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДПдан сайланган депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан 23 нафар мансабдор шахсларнинг жойларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ҳисоботи тингланган бўлса, 2013 йилнинг 9 ойи давомида 51 нафар мансабдор шахсларнинг ҳисоботи тингланди. Халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДПдан сайланган депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан шу даврда доимий комиссиялар йиғилишларига 37 та таклифлар олиб чиқилган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида 72 та таклиф киритилган. Халқ депутатлари ҳудудий Кенгашлари доимий комиссиялари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларининг ечимига доир сессияга киритилган таклифлар сони 2012 йилдагига нисбатан деярли 2 бараварга ошган. Шуниси аҳамиятлики, доимий комиссиялар томонидан олиб чиқилган таклифлар бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тегишли қарорлари қабул қилинган.

ЎзМТДПдан сайланган депутатлик гуруҳлари томонидан электорат манфаатлари, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги, «Ҳудудда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш тўғрисида»ги, «Ҳудудда туризмни ривожлантириш тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор масалалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига киритилди. Жумладан, 2012 йилнинг 9 ойи давомида халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари томонидан сессиялар кун тартибига 13 та масала олиб чиқилган бўлса, 2013 йилнинг 9 ойи давомида 28 та масала киритилди.

Юқорида келтирилган рақамлар халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДПдан сайланган депутатлик гуруҳларининг ижро ҳокимияти органларининг жойларда қонунлар ва давлат дастурларининг бажарилиши устидан депутатлик назоратини амалга оширишдаги ўрни ва роли ошиб бораётганини кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, партия депутатлик гуруҳлари фаолиятида мавжуд ютуқлар билан биргаликда, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам йўқ эмас. Улар ишини келгусида янада такомиллаштириш зарур. Бунда қонунларнинг бажарилиши устидан депутатлик назоратини жонлантириш, депутатлик сўрови имкониятидан самаралироқ фойдаланиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларида ва доимий комиссия йиғилишларида мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурлари ижроси тўғрисида ҳисоботларини эшитиш масалаларига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

**Беҳзод СОДИҚОВ,**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси**

MILLIY TIKLANISH
42 (259) 2013 йил
30 октябрь, чоршанба



### Қонун лойиҳасига шарҳ

*Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Боиси, жамиятнинг асосий негизи бўлган оилаларда эртанги кунимиз эгалари, келажак ворислари — ёш авлод улғаяди. Шу билан бирга оила тўкис ва тинч бўлса, жамият осойишта ва фаровон бўлади, фарзандлар ҳар томонлама етук, соғлом ва салоҳиятли бўлиб вояга етади.*

# Васийлик ва ҳомийликнинг қонуний асослари

## янада такомиллашмоқда

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазаси давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда ҳам ўз ифодасини топган. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, унинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби асосий масалалар ечимида давлат органлари муҳим ўрин тутади.

Бола ҳуқуқлари ҳақида сўз борар экан, жамиятда турли сабаблар билан ота-онасидан маҳрум бўлган вояга етмаганлар ҳам борлиги, улар ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларига эга эканлигини айтиш ўринли. Бу борада эса фарзандликка олиш, унинг тарбияси, баркамол инсон бўлиб вояга етиши йўлида ғамхўрлик қилиш каби масалалар муҳим ўрин тутади. Шу боис Конституциямизнинг 64-моддасида давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши кафолатланган.

Бундан ташқари васийлик ва ҳомийликка муҳтож бўлган шахслар учун васийлик ва ҳомийликни белгилашнинг янги шаклларини жорий қилиш, васийликдагиларнинг мол-мулкини сақлаш ва бошқариш билан боғлиқ ҳолатларни тартибга солиш, васий ва ҳомийларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини тартибга солиш масалалари ҳам лойиҳада қамраб олинмоқда.

Қонун лойиҳасини маромига етказиш, ундаги нормаларни бугунги кун талабидан келиб чиқиб мувофиқлаштириш каби вазифалар ишчи гуруҳи йиғилишларида кенг муҳокама этилмоқда. Муҳокамалар чоғида ЎзМТДП фракцияси аъзолари томонидан ҳам бир қатор таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қонун лойиҳасида васийликни тайинлаш 14 ёш ва ҳомийликни белгилаш 18 ёш деб кўрсатилган. Демак, бола 18 ёшгача бирор бир олий ўқув юртида ёки академик лицей ва касб-ҳунар коллежида таҳсил олади. Шундан келиб чиқиб, васийлик ва ҳомийлик соҳасида фаолиятни амалга оширувчи органларга Олий ва ўрта-махсус таълими тизимини ҳам қўшиш лозим. Чунки, лойиҳадаги халқ таълими тизими фақат умумтаълим мактабларини назарда тутади.

Лойиҳада "Васийлик ва ҳомийлик органларидан ташқари бошқа юридик ва жисмоний шахсларга етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларни аниқлаш ва жойлаштириш бўйича фаолияти тақиқланади", деб белгиланган. Лекин 3-моддадаги "Асосий тушунчалар"да ҳам, бошқа моддаларда ҳам "васийлик ва ҳомийлик органи" тушунчаси очиб берилмаган. Ана шу ҳолатларни инобатга олиб, қонун лойиҳасида алоҳида модда билан васийлик ва ҳомийлик органини таъсис этиш, ушбу органнинг таърифи, функциялари, ваколати, ҳуқуқ ва мажбуриятларига тааллуқли нормалар киритилиши зарур деб эътироф этилмоқда. Юқоридаги каби таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда тайёрлаш жараёнида ҳар бир моддага алоҳида эътибор билан қараш талаб этилади. Палатадаги муҳокамалар чоғида, фракцияларaро дебатларда ушбу масалага жиддий муносабат билдириб, амалий таклифларимизни оғзаки ва ёзма тақдим этмоқдамиз.

**Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мамлакатимизнинг ёш фуқароларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўринларини топиб олиши учун зарур ҳуқуқий ва самарали механизмларини кучайтириш, ёшларни, кам таъминланган оилалар ва муҳтожларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш каби миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга кўмаклашиш каби вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан иккинчи ўқишга киритилаётган «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фарзанд тарбияси, фарзандликка олиш билан боғлиқ қонунчиликни янада мустаҳкамлашга қаратилган. Зеро, васийлик ва ҳомийлик институтининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, васийлик ва ҳомийликни амалга оширишнинг самарали механизмларини яратиш жамиятимизнинг муҳим мақсадларидан бири бўлган ижтимоий ҳимоя тизими қамрови кенгайишига йўл очади. Бугунги кунда васийлик ва ҳомийлик йўналишидаги ҳуқуқий муносабатлар, асосан Фуқаролик ва Оила кодекслари, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги Низом" ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бирортасида васийлик ва ҳомийлик органи ҳақида аниқ тушунча берилмаган. Шунингдек, васийлик ва ҳомийликка олинувчи барча шахс категориялари ҳамда уни амалга ошириш механизмлари етарли даражада белгиланмаган. Шу боис, васий ёки ҳомийликка олишни истаган шахсларни танлаш, олдиндан уларнинг педагогик-психологик ва ижтимоий тайёргарлиги юзасидан аниқ мезонлар яратиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаганларни жойлаштиришнинг тўртта шакли (фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, оилага тарбияга олиш-патронат) ҳамда вояга етган муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ва муомалага лаёқатли, соғлиги туфайли ҳомийликка муҳтож шахсларни жойлаштириш шакллари мавжуд. Бундай ҳолатларда васийлик ва ҳомийликка муҳтож вояга етган шахсларни жойлаштиришнинг асосий шакли сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфидаги давлат муассасаларига топшириш белгиланган. Ушбу ҳолат аксарият вазиятларда васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг қариндошлари ва яқинларининг масъулиятсизлигига олиб келади. Қайд этилган ҳолатлар васийлик ва ҳомийликни, улар билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

"Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонун лойиҳасида васийлик ва ҳомийлик соҳасида давлат идораларининг ваколатлари аниқлаштирилмоқда. Васийлик ва ҳомийлик ташкилотлари фаолиятининг такомиллашуви, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, жавобгарлик чоралари белгиланмоқда. Васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахслар учун давлат реестрини юритиш, уларни муносиб турмуш даражаси билан таъминлаш, васийлик ва ҳомийлик органларининг юклатилган вазифаларни бажариши, васий ва ҳомийнинг жавобгарлик чоралари ҳам лойиҳада ўз аксини топмоқда. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки лаёқати чекланган шахслар, шунингдек, муомалага лаёқатли, соғлиғи туфайли васийлик ва ҳомийликка муҳтож бўлган шахслар устидан васийлик ва ҳомийлик механизмлари, барча тоифадаги шахслар устидан олдиндан васийликни белгилаш сингари меъёрлар белгиланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мамлакатимизнинг ёш фуқароларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўринларини топиб олиши учун зарур ҳуқуқий ва самарали механизмларини кучайтириш, ёшларни, кам таъминланган оилалар ва муҳтожларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш каби миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга кўмаклашиш каби вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, ушбу ҳуқуқий ҳужжат васийлик ва ҳомийлик тизими ва механизмларининг замон талабларига мувофиқ такомиллаштирилиши ҳамда васийлик ва ҳомийликка муҳтож барча шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларининг ҳимоя қилинишида муҳим ўрин тутади.

**Олим ЎСАРОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

### Тарғибот

# Депутат, маҳалла ва ёшлар ҳамкорлиги

**халқ депутатлари Қўшкўпир туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи ҳудудда болалар спортини ривожлантиришга кўмаклашишни асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди**

— Ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида миллий ғурур туйғусини уйғотиш, ҳар жиҳатдан етук ва баркамол авлодни вояга етказишга кўмаклашиш партиямиз дастурий мақсадлари сирасига киради, - деди ЎзМТДП Қўшкўпир туман Кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳи ташаббуси билан ташкил этилган спорт мусобақасини кириш сўзи билан очган халқ депутатлари туман кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари Рўзимбой Дўсчанов. — Айниқса, уларнинг билим ва салоҳиятини намоён этишларига имконият яратиш, иқтидорини рўёбга чиқариш, бўш вақтларини унумли ўтказишга кўмаклашиш борасида партия ҳамда депутатлик гуруҳи томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги тадбир тумандаги қишлоқ фуқаролар йиғинларида ташкил этилган спорт тўгараклари иштирокчиларининг дўстона беллашувига айланиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, халқ депутатлари Қўшкўпир туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ёшларни ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол қилиб тарбиялашга кўмаклашиб келмоқда. Айниқса, болалар спортини ривожлантириш, ёшларни спортнинг барча турларига жалб қилиш, бу борада ҳудудда учраётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш борасида ўз ваколатлари доирасида саъй-ҳаракат олиб боришмоқда. Жумладан, тумандаги Хонобод қишлоғида жойлашган 17-умумтаълим мактабининг гимнастика машғулотлари учун ажратилган зали депутатлар ташаббуси ва ҳомийлар кўмагида жиҳозланди. Ҳар йили депутатлик гуруҳи ташаббуси билан тумандаги кўпгина қишлоқларда спорт мусобақалари ўтказиб бориш анъанага айланди. Хадра ва Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошидаги баскетболчи қизлар жамоаларининг ўзаро дўстлик беллашуви ҳам депутатлик гуруҳи ташаббуси билан ташкил этилди.



(ЎзА) олган сурат.

— ЎзМТДП томонидан ёшларнинг келажагига қаратилган турли тарғибот тадбирлари, учрашув ва давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келинади, - дейди Хонобод қишлоғидаги 19-умумтаълим мактаби директори Режаббой Машарипов. — Бугунги тадбир ҳам тумандаги барча қишлоқ ва маҳалла аҳлини бирлаштиришга, спорт билан ошно тутинишга ҳамда партия ғояларининг тарғиб этилишига имкон яратди.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорлар партия туман Кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳи аъзолари, шунингдек, "Жанубгазқурилиш" ОАЖ бошқаруви томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Меҳрибон ТИЛЛАЕВА,**
**ЎзМТДП Қўшкўпир туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари**

# Соғлом ҳаёт — баркамоллик асоси

## бу жараёнда хотин-қизлар ва ёшларнинг ўрни беқиёс

*Истиқлолнинг илк кунларидан мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг баркамол авлод тарбиясидаги масъуллигини кўчайтириш давлат сиёсатининг энг устувор масалаларидан бири сифатида белгиланди. Бугун эса ўтган 22 йилда эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, аёлларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

Партиянинг Кармана туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган "Соғлом ҳаёт — обод турмуш гарови" мавзусидаги давра суҳбати айни шу йўналишдаги тадбирлардан биридир. "Обод турмуш йили" давлат Дастури доирасида ташкил этилган тадбирни партия вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Анора Бобомуродова кириш сўзи билан очиб берар экан, ёшлар ва хотин- қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирокини таъминлаш борасида партия томонидан амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратди.

Шундан сўнг тадбирга таклиф этилган ҳудуд хотин-қизлари ҳамда катта ҳаёт остонасида турган ёшлар билан маънавий тарбия, инсон саломатлиги, жамият ривожига салбий таъсир кўрсатаётган иллатлар, эрта турмуш қуриш ва уларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

— Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида: "Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди", деб таъкидланган, - дейди халқ депутатлари Кармана туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Тоир Йўлдошев. — Дарҳақиқат, ушбу ҳаётий фалсафа ҳар биримизнинг онгу шууримизда, фикру-хаёлимизда доимо чарх уради. Фарзандларимизни чинакам бахтли, билимли ва комил инсонлар бўлиб вояга етиши, уларни турли оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун қайғуриш ҳам касбий, ҳам инсоний бурчимиз ҳисобланади. Шу маънода ЎзМТДП туман Кенгаши ва депутатлик гуруҳимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ўтказилаётган бу каби тадбирлар доирасида жойлардаги ёшлар билан боғлиқ бўлган баъзи бир муаммолар аниқланиб, уларнинг ечими борасида мутасадди ташкилотларга мурожаат этмоқдамиз.

Тадбир қатнашчилари оилавий ҳаётга ҳали жисмонан ва психологик жиҳатдан тайёр бўлмаган ёшлар масаласига ҳам эътибор қаратишди. Эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказишдаги айрим муаммолар хусусида фикрлашилди.

Давра суҳбати давомида туман ички ишлар бўлими томонидан тақдим этилган ёшлар камолотида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган видеоролик намойиш этилди.

***Шаҳноза РАСУЛОВА,***
***ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиси:***

— Ушбу тадбир ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда миллий ҳунармандчилик билан шуғулланаётган хотин-қизларга муносиб шароит яратиб беришга кўмаклашиш каби долзарб вазифалар ижобати йўлида хизмат қилади. Зотан "Аёллар қаноти"нинг бугунги кундаги интилиши, мақсад ва ғоялари вилоятимиз хотин-қизларининг нафақат жамиятдаги ўрнини юксалтириш, балки уларнинг сиёсий жараёнларда фаол, етакчи кучга айланишига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

***Мунаввар БАРАКАЕВА,***
***халқ депутатлари Кармана туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— Давра суҳбати ЎзМТДП дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда хотин-қизларни миллий қадриятларга асосланган оилавий ҳаётга, баркамол оналикка тайёрлашга, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилганлиги билан муҳимдир. Бундан ташқари чекка қишлоқларда иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни уй шароитида оилавий касаначиликка жалб этиш орқали улар бандлигини таъминлашда бу каби маънавий-маърифий тадбирларнинг ташкил этилиши яхши самара беради.

**Нуриддин РАЖАБОВ,**
**ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши матбуот котиби**

### Ҳамкорларимиз

# БЕЛИДА БЕЛБОҒИ БОРЛАР

## ор ва номус майдонида синалади

*Халқимиз азалдан фарзанд тарбиясида ҳалоллик, мардлик ва бир сўзлиликка эътибор қаратган. Бунда, айниқса, миллий кураш спорти муҳим аҳамият касб этган. Давраларда, тўю томошаларда кураш тушиб, оиласи, маҳалласи шаънини ҳимоя қилган фарзанд Ватан шаънини ҳам асрашга бел боғлаган. Ғурур ва ор-номус учун белида белбоғи борлар майдонга тушган.*

Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси раиси Равшан Дастиров билан суҳбатимиз ўтмиши узоқ асрларга бориб тақалувчи белбоғли кураш тарихи ва бугунги истиқболлари, Федерация ва ЎзМТДП ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандумининг аҳамияти хусусида бўлди.

**— Энг аввало, белбоғли кураш спорт турининг тарихи ҳақида суҳбатлашсак...**

— Белбоғли кураш кўп асрлардан бери шаклланиб, ривожланиб келаётган миллий спорт тури саналади. Халқимизнинг миллий урф-одатларини ўзида мужассам этган бу спорт тури қадимдан Фарғона водийси, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари полвонлари орасида кенг тарқалган. Халқ сайллари, тўю тантаналар ва байрамларда белида белбоғи борлар куч синашган. Икки рақиб бир-бирининг белбоғидан ушлаб, чалиш усулини қўлламасдан курашга тушган. Бу курашда ёш ва вазн муҳим ўрин тутмаган. Унда акасининг ори учун ука майдонда рақибини ер тишлатган. Демакки, бу спорт ҳақиқий орият ва ғурур беллашуви саналган. Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бу хислатлар йиллар ўтса-да, авлодларга мерос бўлиб келмоқда. Миллий қадрият ва анъаналаримиздан куч олиб сайқал топмоқда.

**— Бугун дунё миқёсида миллионлаб спорт ишқибозлари томонидан Ўзбекистон кураш юрти сифатида тилга олинмоқда.**

— Дарҳақиқат, истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида миллий спорт турларига алоҳида эътибор қаратилди. Белбоғли кураш, айтиш жоизки, айни пайтда миллий спорт тури сифатида ривожланиш босқичини бошдан кечирмоқда. Ушбу спорт тури мамлакатимизда ўтказиб келинаётган уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари дастуридан жой олди. Шунингдек, Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси томонидан республикамиздаги фахрий курашчи полвонлар ўртасида хотира турнирларининг ўтказилиши ҳам унинг оммабоплигини оширмоқда. Федерациямиз томонидан белбоғли кураш спорт турини дунё миқёсида оммалаштириш борасида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мазкур спорт тури бўйича ўтказилаётган жаҳон ҳамда Осиё чемпионатларида ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз байроғини баланд кўтаришмоқда. Бугунги кунда юртимизда 50 минг нафардан ортиқ ёшларнинг белбоғли кураш билан шуғулланаётгани унга бўлган қизиқишнинг кундан-кунга ортиб бораётганидан далолат беради.

**— Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Мазкур меморандумнинг Федерация ҳаётидаги аҳамияти қандай?**

— Дарҳақиқат, 2012 йилда Федерациямиз билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзолаган. Маълумки, ЎзМТДП сайловолди Платформасида миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, уларни ёш авлодга етказишга кўмаклашиш асосий мақсад-вазифалардан бири сифатида белгиланган. Федерациямизнинг асосий мақсади ҳам ушбу миллий спорт турини дунё миқёсида оммалаштириш, уни ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ва келажагимиз эгаларини ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга ҳисса қўшишдан иборат. Бу ҳамоҳанг ва муштарак мақсадлар Федерация ва ЎзМТДП ўртасидаги ҳамкорликка асос бўлди.

Ўтган давр мобайнида партия билан ҳамкорликда миллий анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш борасида турли тадбир ва мусобақалар ташкил этилди. Шунингдек, ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган кўплаб тадбирларда спортчиларимиз кўргазмали чиқишлар билан қатнашишмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида ёшларнинг спортга бўлган қизиқишлари ортмоқда.

**— ЎзМТДП ва Федерация ҳамкорлигидаги истиқболли режалар хусусидаги фикрларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз...**

— Албатта, истиқболдаги режаларимиз белбоғли кураш миллий спорт тури ривожига қаратилган. Биринчи навбатда Федерациянинг жойлардаги ҳудудий бўлимларини ташкил этишда партия ҳудудий кенгашлари кўмагига таянишни режалаштирдик. ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамкорлигида жойларда миллий спорт турини ривожлантириш, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари ва сессияларига бу борадаги ташаббус-масалаларни киритиш, республика даражасидаги мусобақалар ташкил этиш, партияга Жаҳон ва Осиё чемпиони ҳамда совриндорларини аъзо қилиш олдимизда турган муҳим вазифалар сирасига киради. Ўйлаймизки, бу ҳамкорлик ҳали узоқ йиллар мобайнида давом этиб, муштарак мақсадларимиз ижобатига эришишда кенг йўл очади.

**"Milliy tiklanish" мухбири**
**Шоҳида МАРС қизи**
**суҳбатлашди**

Мерос

# МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК

## ёхуд унинг уч асосий шарти хусусида

***Жамият ҳамиша комил инсонларга эҳтиёж сезади. Бу ҳол худди борлиқ оламидаги табиий жараёнларга менгзалади. Боғ-роғларнинг кўкариши, нишотга кириши обиҳаёт ва омилкор боғбоннинг парваришига боғлиқ. Жамият ҳақиқий маданият соҳибларининг оиласи бўлиши учун комиллик бош мезондир. Бугун мустақил Ўзбекистон собиқ шўролар даврида қўлдан берган барча маънавий қадриятларини қайтариб олди. Қисқа муддат ичида бу қадриятлар илмий-адабий, кўргазмали ёхуд саҳна асарлари шаклида қайта-қайта нашр этилмоқда, намойиш қилинмоқда.***

Аммо, назаримизда, бугунги давр, асл шарқона-ўзбекона қадриятларимизни тарғиб-ташвиқ қилишнинг замонавий шаклларини, халқимизга, айниқса, ёшларимизга теранроқ таъсир этадиган йўл ва услубларини қидириб топишни янада кучайтиришни талаб этмоқда. Ёшларимиз хатти-ҳаракатида баъзан яққол кўзга ташланиб қолаётган молдунёга ўчлик, миллий урф-одатларимизга номутаносиб кийиниш, енгил-елпи шарт-шароитларга муккасидан кетиш ва ҳоказоларнинг чуқур илдиз отишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Зотан, комиллик - маънавий тарбиянинг тамал тоши айни болалик ва ёшлик пайтларида қўйилади.

Комиллик — яхлит тушунча эмас. Чунончи, ҳар жиҳатдан комил бўлиш хийла оғир ва мураккаб жараён бўлиб, сурункали таълим ва тарбияга боғлиқ. Асрлар давомида инсониятни эзгулик йўлига ҳидоят қилувчи мактаб ҳамда тарбиянинг энг самарали воситаларидан бири, шубҳасиз, бу адабиётдир. Бу мактаб таълим ва тарбия бобида ҳам ўзининг устувор қонунларини инкишоф этди. Маънавиятимизнинг улуғ намояндаларидан ҳазрат Алишер Навоий комиллик мақомига адабиёт мактаби дарсхоналари орқали етишди ва бир умр бу мактаб фазилатлари ҳақида сўйлади.

Тўғрисини айтиш керак, баъзи қадимий манбаларни ягона асос қилиб олган айрим замондош олимларимиз миллий мафкурамиз асосларидан бўлмиш комил инсон ғоясининг тарихий-фалсафий негизларини аниқлашда шу қадар чуқурлашиб кетишдики, комилликка етишиш оддий инсон учун амримаҳол бўлиб туюлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, кишиларда ўзига нисбатан ишончсизлик, маънавий оламига нисбатан лоқайдлик, маънавий камолотга илмий аҳамиятга эга, аммо ҳаётий асоси мўрт бир назария сифатида қараш хавфини туғдирмоқда. Аслида, халқ таъбири билан айтганда, барча буюклик оддийликда. Мисол учун, Ҳазрат Навоий комил инсон ҳақида алоҳида бир китоб ё рисола таълиф этмаганлар, балки комиллик ғояси бу зот ижодининг ўқтомирини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, комил инсон таърифида ҳам биз, энг аввало, Навоий ижодиётига мурожаат қилишимиз лозим.

Навоий қитъаларидан бирида комил инсон бобида мулоҳаза юритаркан, чин инсон бўлишликнинг бирламчи шарти сифатида тавозўъни келтиради. Тавозўъ — хоксорлик, адаб демак. Навоий талқинича, тавозели бўлмоқ инсонни ўз моҳиятини англашга бошлайди, унга шараф, руҳий хотиржамлик ва сокинлик келтиради, кичикларни ёши улуғлар орасида маҳбуб бўлишига замин яратади, кекса инсонларга эса улуғворлик бахш этади. Мумтоз адабиётимизда хоксорлик кўпинча дарвешлар хулқ-атвори сифатида талқин қилинади, аммо Навоий қитъасида бу хислат бой-бадавлат кишиларда бўлса, нур устига нур бўлиши таъкидланади:

**Тавозўъ яхши, аммо яхшироқдир**
**Агар даъб этса они аҳли давлат.**

Бизда бойликни маънавий камолот йўлида тўсиқ сифатида баҳолаш одатга айланган. Айримлар буни тасаввуф ва диний таълимот оқибатлари деб биладилар. Бизнинг назаримизда, бу кўникма узоқ йиллар давомида ўзини йўқсиллар муҳофизи сифатида тарғиб қилган собиқ шўро мафкурасининг салбий оқибатидир. Кўҳна Шарқ мутафаккирлари бойлик ва дунёпарастлик ўртасида фарқ қўядилар. Дунё, бойлик миқдори билан эмас, балки Ҳақ йўлдан чалғитиш-чалғитмаслиги билан яхши ёки ёмон сифат касб қилиши мумкин. Инсон замирида бойлик туфайли туғиладиган энг хавфли касаллик — бу такаббурликдир. Мол-дунёси кўплигини пеш қилиб, оёғи ердан узилганлар ҳамма давру замонда топилиши шубҳасиз. Аммо бойлик — инсонийликнинг мақсади эмас, балки мақсадга эришиш учун бир восита эканлигини унутмаган ва тавозели бўлишни одат қилган бадавлат киши хокисор камбағалдан мартабаси ортиқроқ...

- ***Комиллик — маънавий тарбиянинг тамал тоши***
- ***Адабиёт — тарбиянинг энг самарали воситаси***
- ***Тавозўъ — хоксорлик, адаб демак***
- ***«Хайр-эҳсондан гўзалроқ амални кўрмадим»***
- ***Ҳазрат Навоий — комилликнинг олий тимсоли***

Мустамлий Бухорий ўзининг "Шарҳи ат-Таъарруф" китобида шундай ёзади: "Инсоннинг ботини ва зоҳири бор... Кўпинча зоҳир ботиндан кўра гўзалроқ бўлади. Баъзида зоҳир ботинга ғалаба қилади, баъзида ботин зоҳирга. Бу сўзнинг маъноси шуким, ботини аслида чиркин, ёвуз ва тубан бўлган кишилар ҳам яхшилик қила оладилар. Бу — зоҳирнинг ботинга ғалабасидир. Аммо бу ғалаба ўткинчи-мувaққат эрур. Сен бу замоннинг дарвешларига назар сол. Улардаги хоксорлик, қаноат ва тавозенинг асоси аслида ботинидан бўй тортмайди, балки бу ишлар ночорликдан қилинган амаллардир. Уларга давлат ва қудрат етгандан сўнг бу гўзал фазилатлардан асар ҳам қолмайди, чунки унда ботин зоҳир устидан тантана қилган бўлур." Шу сабабдан, Навоий кечиримли бўлиш туйғусини ҳам энг аввало, қудратли бўлган зотларда кўришни истайди:

**Эрур ҳам афв хўбу хўброқ ул**
**Ки, зоҳир бўлғой эл топғанда қудрат.**

Навоий талқинида инсонийликнинг учинчи шарти — бу, ато, яъни саховатдир. Ўтмишда ҳам, бугун ҳам саховат мардликнинг энг олий кўриниши сифатида қадрланади, ҳаттоки, жасоратдан ҳам устун қўйилади. Навоий саховатни "турфа иш", яъни ажойиб, гўзал бир иш дея таърифлайди. Саховат ва жўмардликни бундай сифатлашга Зуннун Мисрийнинг қуйидаги ҳикмати асос бўлган бўлса, ажабмас: "Мен хайр-эҳсондан гўзалроқ амални кўрмадим, чунки эҳсонни олувчи ўз ризқини олмоқда, унинг ризқини етказувчи эса Парвардигорнинг ўзидир, мен эса шунчаки воситачи бўлганим учун улкан савоб соҳиби бўлишга имконим бор". Ана шу ҳикматни англаган инсон ҳеч қачон берган нонини, қилган яхшилигини миннат қилмайди, бу билан мақтанмайди, сохта обрў орттириш учун бойлигини кўкка совурмайди:

**Ато ҳам турфа ишдур, турфароқ бил,**
**Агар йўқдур анинг ёнида миннат.**

Навоий ушбу қитъасини "Ҳукамо қавлининг таржимаси инсоният бобида" деб сарлавҳа қўйган. Шунинг учун хокисорлик, кечиримлилик, саховатпешалик ҳақида ўз мулоҳазасини билдираркан, ўз сўзини ҳаким номидан тугаллайди:

**Ҳаким инсони комил дебдур они**
**Ки, бўлғай зотида бу неча хислат.**

Кўҳна Шарқнинг минг йиллар бурун асос солинган комиллик мактаблари бизнинг руҳимиз ва ақлларимизни ҳар лаҳза чархлаб тургувчи муршид ва устодларга эга. Юқорида уммондан қатра қабилида келтирилган икки-уч байт орқали биргина инсоний комиллик мартабаси ва шартлари ҳақида сўз юритдик. Худди шу ахлоқий дастурларни яратган Ҳазрат Навоийнинг ўзлари комилликнинг олий тимсоли эдилар.

**Олимжон ДАВЛАТОВ**

---

MIKROKREDITBANK

Реклама ўрнида

# БАРҚАРОРЛИК ВА ИШОНЧЛИЛИК

## "Микрокредитбанк" фаолиятининг асосини ташкил этади





(ЎзА) олган суратлар.

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилган мажлисида мамлакатни ривожлантиришнинг асосий микроиқтисодий кўрсаткичлари, энг аввало, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кенгайтириш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, таркибий қайта ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари фаолиятини диверсификациялаш, шунингдек, аҳоли бандлигини, ҳаёти даражаси ва сифатини ошириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигига эътибор қаратилди.***

Унда қайд этилишича, жаҳон иқтисодиётида муаммолар кучайганига қарамай, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари — 9,4 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми — 15,9 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари — 6,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажмлари — 14,7 фоизга ва хизматлар кўрсатиш ҳажмлари — 12,4 фоизга ўсди.

Мамлакатимизда банк соҳасини такомиллаштириш, молия муассасаларининг мижоз билан ишлаш жараёнини янада яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Бундай ижобий ўзгариш ва муваффақиятларни юртимиздаги йирик банклардан бири — "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки фаолияти мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Маълумки, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони асосида иш бошлаган мазкур молия муассасаси барқарор ва ишончли микромолиявий ташкилот сифатида юртимиз молия бозорида фаолият юритиб келмоқда. Айни кунда банк ўзининг 84 та филиали, 189 та мини банки ва кўплаб агентликлари орқали юртимизнинг чекка туманлари, олис қишлоқ ва овуллари аҳолисини барча турдаги банк хизматлари билан қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиб келмоқда.

Жорий "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгилаб берилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш борасида қизғин фаолият олиб борилмоқда. Хусусан, иш билан бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, оилаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда аёлларни иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларнинг ўз иқтидорини намоён этиши ва уй-рўзғордаги ишларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий маиший шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш мақсадида "Обод турмуш йили" Давлат дастури тадбирларини фаол амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирлари доирасида "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўтган 9 ой давомида жами 389,6 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Хусусан, кўрсатилган имтиёзли микромолиявий хизматлар миқдори 199,5 миллиард сўмни ташкил этди.

Жорий йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилишига муҳим устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бу вазифалар бўйича "Микрокредитбанк" томонидан чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш вазифалари аниқ белгилаб олинган. Банк томонидан ўз маблағлари ҳисобига замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, шунингдек, банкрот корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш, янги иш ўринларини яратиш учун инвестицияларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда 2013 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 833,4 мингта янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан биргина кўрсатилган имтиёзли микромолиявий хизматлар ҳисобидан 83 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Хусусан, ҳисобот санасига жами микрокредитдан фойдаланаётган мижозларимизнинг 68 фоизи бошланғич сармоядан фойдаланаётган мижозлар ҳисобланиб, ўсиш кўрсаткичи 133 фоизни ташкил этмоқда. Ўтган шу даврда бу кўрсаткич 51 фоизни ташкил қилган эди.

***Боймурод ОЧИЛОВ,***
***Бухоро вилояти,***
***"Искандар бобо" фермер хўжалиги раиси:***

— "Микрокредитбанк" фаолият кўрсатиши билан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳасида янада қулайликлар яратилди, десам адашмайман. Банк ўз хизмат турлари, кам фоизлик микрокредитлари билан иқтисодиётнинг барча соҳаларини қамраб олишга эришмоқда. Ходимлар жойларга чиқиб фермер, тадбиркорлар учун ўқув-семинар ва тренинглар уюштирмоқда. Бу билан бизнинг ҳуқуқий саводхонлигимиз ошиб, банк ва молия соҳасида амал қилаётган қарор ва фармонлар билан яқиндан танишиб боряпмиз. Ҳар йили банк кўмаги билан деҳқончиликда юқори ҳосил олишга эришяпмиз.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 18,3 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар йўналтирилган бўлиб, уларнинг ҳисобига 5 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

Бу борадаги ишларни янада жонлантириш мақсадида вилоятлардаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида "Банк ва коллеж ҳамкорлиги", "Ёш тадбиркор — юртга мададкор", "Менинг бизнес ғоям" лойиҳалари амалга оширилмоқда. Тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш банк фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Айниқса, аёлларга хос фидокорлик, меҳнатсеварлик каби фазилатлар улар билан ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар йўлини очади. Банк аёлларни иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини рағбатлантириш, ўз иқтидорини намоён қилиши учун қулай ижтимоий-маиший шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга оширишда муҳим ўрин тутади. Булардан ташқари, Германия жамғарма кассаларининг аёл тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш лойиҳалари бўйича Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида аёл тадбиркорларга хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, паррандачилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш каби тармоқлар ривожига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Банк Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди билан ҳамкорликда "Оила фаровонлигини таъминлаш учун аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш" лойиҳасини амалга оширмоқда. Жумладан, фермер ва тадбиркор хотин-қизлар бизнес малакалари ва молиявий саводхонлигини ошириш бўйича Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди билан ҳамкорликда тренинглар ташкил этилмоқда. Шу жумладан, аёллар тадбиркорлигига 44 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди ва 16,7 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Банк кредитларидан фойдаланаётган аёлларимизнинг 85 фоизи (ўтган шу даврда бу кўрсаткич 62 фоизни ташкил этган) банкнинг кичик кредитларидан фойдаланаётган, янги ташкил этилган аёл тадбиркорлар ҳисобланади. Ўтган шу даврга нисбатан янги ташкил этилган ва банк кредитларига мурожаат этганларнинг ўсиш кўрсаткичи 136 фоизни ташкил этди.

***Улуғбек БАЙРАМБОЕВ,***
***битирувчи:***

— Касб-ҳунар коллежларини битириб, айнан эгаллаган йўналишлари бўйича тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган йигит-қизларга банк томонидан микрокредитлар ажратилаётгани мен қатори кўплаб юртимиз ёшларининг ҳаётда ўз ўринларини топишларига замин яратмоқда. "Микрокредитбанк"нинг ёшларга молиявий хизматлар кўрсатиш ва таълим дастурлари учун шарт-шароит яратиш бўйича етакчи ўринда эканлиги қувонарлидир.

Банк томонидан мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, қишлоқ жойларда ёшларни иш билан таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида аҳоли билан мунтазам учрашув, давра суҳбати ва кўргазмали семинарлар ташкил этилмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 2013 йилнинг ўтган ойлари давомида ажратилган кредитларнинг 31,9 млрд. сўми 5 мингдан зиёд ёш оилаларни молиявий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун ажратилган имтиёзли кредитлар ҳиссасига тўғри келди. Аҳолига сервис хизмати кўрсатиш мақсадларидаги лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналишда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, хусусан, либослар ательеси, гўзаллик салонлари, алоқа ва транспорт, дастурлаш ва компьютер хизматлари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мақсадлари учун 52,1 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Сервис соҳасида яратилган янги иш ўринлари сони 14 мингдан ошди.

***Эргаш НАВРЎЗОВ,***
***Самарқанд вилояти, Пасдарғом туманидаги "Сарбон Н Э" фермер хўжалиги раҳбари:***

— Биз 336 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. Ҳар йили пахта, ғалла режаларини ортиғи билан бажариб келамиз. "Микрокредитбанк"нинг ходимлари бизни қўллаб-қувватлаб, очиқ чеҳра ва ширин сўз билан муомалада бўлишади. Банкдан олинган кредитлар ҳисобига техника олдим. Айни кунда фермер хўжалигимизда 77 нафар доимий ишчи бор. Келгусида банк ёрдами билан хўжалигимизда янги тармоқлар очишни режалаштирганмиз.

Айни пайтда банк фаолиятига қатор хориж молиявий ташкилотлари, жумладан, "Fitch Ratings" компанияси халқаро қабул қилинган мезонларга мувофиқ ижобий баҳо бериб келмоқда. Мазкур рейтинг компанияси жорий йилнинг 12 август куни "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг 2012-2013 йиллардаги фаолияти учун "Барқарор" рейтингини тақдим этди. Шунингдек, банк фаолиятининг молиявий ҳисоботлари халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этилишига "Deloitte and Touche" халқаро аудиторлик компанияси томонидан ижобий баҳо берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида халқаро ташкилотлар ва молия институтлари маблағларини жалб қилиш ва улар ҳисобидан тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаш ишлари давом эттирилмоқда. Хусусан, Жаҳон банкининг "Қорақалпоғистон Республикасида пиллачиликни ривожлантириш", Халқаро тараққиёт уюшмасининг "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш II-босқич", БМТ Тараққиёт дастурининг "Ҳудудларни комплекс ривожлантириш", Германия жамғарма кассалари фондининг аёл тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳисобидан қарийб 5 миллиард сўм миқдордаги лойиҳалари молиялаштирилди.

Булардан кўриниб турибдики, "Микрокредитбанк" бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида муайян тажрибага ҳамда молия бозорида ўз ўрнига эга. Кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишда, юрт ободлиги ва халқимиз фаровонлиги жараёнида муносиб иштирок этмоқда. Бу эса мижозларнинг "Микрокредитбанк"ка бўлган ишончини оширади ва уларнинг яқин кўмакдоши бўлишига хизмат қилади.

**Нурали ЙЎЛДОШЕВ**

Бизнинг шарҳ

# Вакиллар палатасининг ваколати кенг



***Вестминстер тизими, яъни Бирлашган қироллик намунасидаги Канада парламенти юқори палата - Сенат ва қуйи - Вакиллар палатасидан иборат. Бугунги кунда Сенатда консерваторлар, либерал янги демократик партия вакиллари энг кўп ўринга эга. Мамлакатда сенаторлар сайланмайди, аксинча, улар генерал-губернатор томонидан тайинланади. Шу жиҳатдан 105 нафардан иборат Сенатнинг ваколатлари Вакиллар палатасидан иборат 308 нафарлик депутатларга нисбатан бирмунча чекланган. Масалан, айрим ҳолларда Конституцияга ўзгартиришлар ҳам уларнинг иштирокисиз киритилиши мумкин.***

Юқори палата таркибидан вазирлар кенгашининг собиқ аъзолари ёки вилоятларнинг собиқ бош вазирлари ўрин олган бўлиб, Онтарио, Квебек, Янги Шотландия, Нью-Бронсуик, Шаҳзода Эдуард, Монитоба, Британия Колумбияси, Сосскачеван, Альберто, Ньюфаунленд, Лабрадор, Юкон ва Нунавутдан жами 105 нафар сенат аъзоси ишламоқда. Сенаторлар 1965 йилгача умрбод ишлаган бўлса, "Шимолий Америка Британияси тўғрисида"ги акт кучга киргач, улар 75 ёшгача фаолият олиб боришади. Парламентнинг қаторасига икки сессияси даврида сенат йиғилишларида қатнашмаган, ўз вазифасини суистеъмол қилиб, оғир жиноятларга қўл урганлар ўз лавозимига нолойиқ, деб топилади.

Ўтган асрнинг 20-йилларигача Канада юқори палатасига фақат эркаклар сайланган. 1927 йили беш нафар аёл Олий судга мурожаат қилиб, жамиятда эркак ва аёллар тенг ҳуқуқга эгалиги, уларни камситишга йўл қўйилмаслиги ҳисобга олиниб, келгусида хотин-қизларни ҳам юқори палатага сайлашлари ҳақидаги масала илгари сурилган. Лекин мазкур мурожаат инобатга олинмади ва Британия суди қўмитасининг махфий кенгаши томонидан қарор бекор қилинди. Орадан 3 йил ўтиб, 1930 йилнинг февралидан бош вазир Уильям Лайон Макензи Кинг томонидан мамлакат тарихида илк бор аёл киши - онтариолик Кэрин Уильсон сенат раиси этиб тайинланган.

Бугунги кунга қадар фақат ҳукумат раҳбарининг тавсияси билангина генерал-губернатор сенат раисини парламент сессияси очилишида ана шу масъулиятли лавозимга қўяди. 1985 йили қабул қилинган қонунда кўзда тутилганидек, сенат спикерига ихтиёрий равишда ўз лавозимини бўшатиб, ўз ўрнига бирорта сенаторни тавсия этиш ваколати берилган.

Кучли мавқега эга қуйи палата аъзолари бош вазирни истеъфога чиқариш, давлат бюджетини қабул қилиш чоғида келишмовчиликлар юзага келган пайтда парламентни тарқатиб, муддатидан аввал сайлов ўтказиш ҳуқуқига эгадир. Вакиллар палатасига депутатлар сони округлардаги аҳоли сонига қараб тақсимланади. Ҳозир мамлакатда жами 308 та округ бўлиб, Онтарио, Британия Колумбияси ва Альберто вилоятлари аҳолиси зич бўлгани туфайли ушбу минтақаларга кўпроқ ўрин берилган. Вакиллар палатасидаги депутатларнинг иш фаолияти 5 йил этиб белгиланган бўлиб, улар номзоди сиёсий партиялар томонидан илгари сурилади. Канадада ўтказиладиган парламент сайловларида доимий равишда мустақил номзодлар ҳам бўлади.

Вакиллар палатасидан ўрин олиш истагида бўлганлар, энг аввало, камида 50-100 нафар сайловчининг имзоси қўйилган рўйхатни тақдим этиши шарт. Бўшаб қолган депутатлик ўрни учун у яшаган округда қўшимча сайлов ташкил этилади.

Канада сайлов қонунига кўра, жазони ўташ муассасасида сақланаётганлар, камида 5-7-йилгача сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган собиқ маҳбуслар ўз номзодини илгари суришига изн берилмайди. Вилоят депутатлари, полиция, прокуратура, судлар ва сайлов комиссияларида фаолият юритаётганлар ҳам депутат бўла олмайди. Канада сайлов хизмати аъзолари нафақат ўз номзодини қўйиши, балки овоз беришлари ҳам мумкин эмас. Шунингдек, 1867 йилги конституциявий Актга мувофиқ, сенаторнинг депутат бўлишига йўл қўйилмайди.

Қуйи палата спикери яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Вакиллар палатаси сенатдаги каби ўз мажлисини Оттавада жойлашган парламент биносида душанбадан жумага қадар ўтказади. Ҳар бир депутат Канада расмий мақомига эга инглиз ва француз тилларида спикерга мурожаат қилиши ёки маъруза қилиши мумкин. Улар кун тартибига қўйилган масала юзасидан фақат бир маротаба сўзга чиқиши қонунда белгилаб қўйилган.

Қуйи палата амалдаги ҳукуматга ишончсизлик билдирган тақдирда генерал-губерантор-га мазкур масала бўйича мурожаат қилинади ва янги сайлов муддати эълон қилиниши керак. Генерал-губернаторнинг депутатлар эътирозини инобатга олмаслик ҳолатлари ҳам бўлган. Сўнгги бор у 1926 йили бош вазир истеъфосини қабул қилмаган. Агар ҳукумат раҳбари мансуб бўлган партия аъзолари парламентда кўпчиликни ташкил этса, у ҳолда бош вазир ўз вазифасида қолади. 2008 йилнинг декабрида генерал-губернатор ҳукумат фаолиятини сақлаб қолиш ниятида парламент фаолиятини 2009 йилнинг 26 январигача тўхтатиб туриш таклифини киритган. Стивен Харпергача ҳали бирорта ҳукумат раҳбари бундай ишга қўл уришга журъат қилолмаган эди. 2011 йилнинг 2 майида 41-чақириқ сайловида вакиллар палатасининг консерваторлар партиясидан 165, янги демократик партиядан 102, либераллардан 35, Квебек блокидан 4, "Яшиллар" партияси ва мустақил номзодлар орасидан бир нафардан депутат сайланган.

**Азимжон ПЎЛАТОВ**

**● Канада Конституцияси 1982 йил 17 апрелда кучга кирган. Давлат бошлиғи генерал-губернатор саналади. Ижроия ҳокимиятни қиролича номидан генерал-губернатор ҳамда бош вазир ва вазирлардан иборат ҳукумат амалга оширади.**

**● Канада — Шимолий Американинг шимолий қисми ва унга ёндош оролларда жойлашган давлат. Майдонининг катталиги жиҳатдан дунёда Россиядан кейин 2-ўринда туради — 9971 км². Аҳолиси 34 миллиондан ортиқ бўлган мамлакатда инглиз ва француз тиллари давлат тиллари саналади. Канада ва АҚШ чегараси дунёдаги энг йирик чегаралардир. 10 та провинция ва 3 та ҳудуддан иборат.**

**● Мамлакатда сўнгги умумий сайловлар 2011 йилнинг 2 майида ўтказилган. Навбатдаги сиёсий тадбир эса 2015 йилнинг октябрь ойида ўтказилиши режалаштирилган. "Сайлов тўғрисида"ги қонунга кўра, сайловолди кампанияси 36 кунгача давом этади.**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Тўфон тобора кучаймоқда

**Тўфон Европанинг қатор мамлакатларига ёпирилмоқда.**



Табиий офат Буюк Британиядан кейин Франциянинг шимолий-ғарбий ҳудудлари, Бельгия ва Нидерландияга етиб келган. Айни пайтда ушбу давлатлардаги кўплаб ҳаво рейслари, поездлар қатнови вақтинча тўхтатилган. Ҳалок бўлганлар ҳақида маълумотлар бор. Кучли шамол тезлиги соатига 150 км.ни ташкил этган. Нидерландия ҳукумати мамлакат аҳолисига хавфсизлик чораларини кўришга чақирмоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, тўфон Дания ва Швецияга ҳам етиб келган. Маҳаллий метеорологлар табиий офатга "Симон", дея ном қўйишган. Хабарларга кўра, тўфон тезлиги секундига 42 метрни ташкил этган. Дания пойтахти Копенгагенда эса шамолнинг тезлиги соатига 194 км.га етган бўлиб, юзлаб уй ва бинолар электр энергиясиз қолган..

## Янги нефть кони

***Жазоирда катта нефть захираси топилган.***



Мамлакат энергетика ва тоғ-кон саноати вазирлиги тарқатган маълумотларга қараганда, Жазоирда охирги 20 йил ичидаги энг йирик нефть кони топилди. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, янги конда 1,3 миллиард баррелгача нефть захираси бўлиши мумкин. Кон Жазоирнинг жануби-шарқида жойлашган Хасси-Мессауд кони яқинида жойлашган. Эндиликда давлатга қарашли "Sonatrach" компанияси 50 фоиз нефтни қазиб чиқариш учун янги технологик усуллардан фойдаланишни режалаштирмоқда. Компания, шунингдек, қатламни гидравлик тарзда тортиб олиш технологиясидан ҳам фойдаланиш ниятида.

## 40 йилдан буён кузатилмаган

**Австралияда ҳаво ҳароратининг кўтарилгани ўрмон ёнғинларининг янада кучайишига сабаб бўлмоқда.**




Ҳозир қарийб 3 минг нафар ёнғин хавфсизлиги ходимлари Янги жанубий Уэльсдаги ўрмон ёнғинларини бартараф этишга сафарбар этилган. Ҳозир штатдаги 200 дан зиёд уй-жойлар ёниб кулга айланган. Соҳа ходимлари ўрмонлар атрофида истиқомат қилаётган маҳаллий аҳолига уй-жойларни тарк этишни маслаҳат бермоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, штатдаги бундай ўрмон ёнғинлари 40 йилдан буён кузатилмаган. Синоптикларнинг фикрича, шу ҳафтанинг чоршанба ва пайшанба кунлари ҳаво ҳарорати кўтарилиши ва кучли шамол тезлиги соатига 100 км.га етиши кутилмоқда.

## Хитойда қовоқарилар ҳужуми

**Хитойнинг Шэнси музофоти аҳолиси улкан қовоқарилар ҳужумига учраган.**



Бунинг оқибатида 40 киши ҳаётдан кўз юмган, 1200 нафардан ортиқ одамлар турли даражада тан жароҳати олиб, шифохоналарга ётқизилган. Жабрланганлар орасида ёш болалар кўпчиликни ташкил этган. Кузатувчиларнинг фикрича, қовоқарилар ҳужумидан Анданак шаҳри аҳлиси энг кўп жабр кўрган. Бу ерда ҳозир кўплаб мактаб ва мактабгача таълим муассасалари вақтинча ёпиб қўйилган.

## Испанияда кончилар заҳарланган

**Испаниянинг Кастилин ҳудудида жойлашган конларнинг бирида қарийб 20 нафар кончи метандан заҳарланган.**

Беш нафар ишчи шахтадан чиқишга муваффақ бўлган, аммо улардан тўрт нафарининг аҳволи оғирлигича қолмоқда. Хабарларга кўра, хавфли ҳудудда ҳеч ким қолмаган. Испанияда бундай ҳолат ўтган 18 йилдаги соҳа билан боғлиқ энг мудҳиш фожиа сифатида баҳоланмоқда. Эслатиб ўтамиз, фожиа юз берган кон бошқа ҳудудлар каби ёпилиши зарур бўлган. Аммо ўтган йили кончилар томонидан ўтказилган оммавий намойишдан сўнг соҳага йўналтирилган маблағлар корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлашга сарфланган ва айрим конлар ишини давом эттирган.

## Яна бир йилдан сўнг

**2014 йилда Лондон кўчаларида электр велосипедлар пайдо бўлади.**



Бундай тажриба шаҳар мэри Борис Жонсоннинг ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Мазкур транспорт туридан фйдаланиш тирбанд, қийин йўллардан осон фойдаланиш имконини беради. Шаҳар мэри томонидан ташкил этилган Велоспорт жамғармаси янги велосипедлар намуналарини сотиб олиш, улар учун махсус ҳудудлар барпо этиш ва бошқа мақсадлар учун 900 миллион евродан ортиқ маблағ ажратилади.Электрон велосипедлардан полиция ходимлари ҳам фойдаланиши кўзда тутилган.

*Интернет хабарлари асосида тайёрланди*

Эълон

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ 2013 йил 5 декабрь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади!**

Аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Қибрай вилояти, Оқ қовоқ Қ.Ф.Й. манзилида жойлашган «Ботаника санаторийси» МЧЖ балансидаги 2001 й. и/ч, д/р 10/365NAA, бошланғич нархи 8 857 371 сўм бўлган «ГАЗ-3102» русумли; Тошкент ш., Хамза тумани, Паркент кўчаси, 327«Б»-уйда жойлашган «ASIA PIPEPLAST» МЧЖ балансидаги 1986 й. и/ч, д/р 01/063ЕАА, бошланғич нархи 21 243 500 сўм бўлган «Камаз-5410», 1993 й. и/ч, д/р 01/076ЕАА, бошланғич нархи 14 388 800 сўм бўлган «ЗИЛ ММЗ-554М», 1999 й. и/ч, д/р 01/072ЕАА, бошланғич нархи 5 738 900 сўм бўлган «Тико» русумли; Тошкент ш., Мирobod тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16-уйда жойлашган Ўзбекистон Давлат санъат музейи балансидаги 2000 й. и/ч, д/р 01/748UCA, бошланғич нархи 9 070 652 сўм бўлган «ГАЗ-3110» русумли; Тошкент ш., Чилонзор тумани, Байналминал кўчаси, 100-уйда жойлашган «TOSHKENT FAVVORASI» ДУК балансидаги 2000 й. и/ч, д/р 01/143KBA, бошланғич нархи 3 110 306 сўм бўлган «Дамас» русумли; Тошкент ш., Мирobod тумани, Бухоро кўчаси, 24-уйда жойлашган Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши балансидаги 2010 й. и/ч, д/р 01/040HBA, бошланғич нархи 16 509 831 сўм бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи микдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули микдори сотиб олиш тўлови микдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш ҳамда «Ботаника санаторийси» МЧЖ ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши автотранспортларини ғолибларига очиқ аукцион савдоларини ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловни қоплаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар **пайшанба** кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспортларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2013 йил 24 октябрь куни ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Тошкент тиббиёт академияси балансидаги д/р 10AQ061 бўлган «ГАЗ-31029» — 3 500 000 сўмга; тугатилаётган «PRIDE PLAZA» МЧЖ балансидаги д/р 01/185LBA бўлган «Нексия» — 30 300 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Реклама

**Qishloq Qurilish Bank**

***Барча юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади.***

Миллий валютада:

**"МУСТАҚИЛ ДИЁР"** — муддати 2 ой
**"ХУМО"** — муддати 2-6 ой
**"ИСТИҚЛОЛ"** — муддати 6 ой
**"МУРАББИЙ"** — муддати 5 ой
**"НИЯТ"** — муддати 1 йилдан 5 йилгача

Хорижий валютада:

**"СТИМУЛ"** — муддати 1-3 ой

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**(+99871) 150-76-53, 150-39-93**
**www.qqb.uz**

**Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

*Хизматлар лицензияланган.*

# Кўзгу

## Тадбир

### 14 ноябрь — қандли диабет куни

**Эндокринология соҳаси соғлиқни сақлаш тизимида алоҳида ўрин тутади.**

Шу боис диабет кассалиги БМТ даражасида умумдавлат муаммоси сифатида тан олинган. 2007 йилдан бошлаб 14 ноябрь диабет куни деб эълон қилинган. Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ана шу мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Унда таъкидланганидек, диабет ойлигини ўтказишдан асосий мақсад аҳолига қандли диабет, унинг хавфли омилларига эрта ташхис қўйиш, касалликнинг олдини олиш борасида керакли маълумотлар беришдан иборат.

Республикамизда 14 та эндокринологик диспансер марказлари фаолият кўрсатмокда. Жойлардаги 505 та эндокринологик кабинетларнинг 176 тасини болалар эндокринологик кабинетлари ташкил этади. Ўзбекистонда эндокринологик хизматни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошчилигида республика ихтисослашган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази мувофиқлаштиради. Марказ клиник бўлим шифокорлари ва лабораториялар ходимлари малакасини оширишга катта эътибор қаратади. Малакали эндокринологлар тайёрлаш учун болалар эндокринологияси кафедрасида клиник ординаторлар ўқитилади.

Юртимизда қандли диабетни даволаш, моддий-техник базасининг доимий янгиланиши эндокринология соҳасида илм-фан ва амалиётда эришилган ютуқларни қўллаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликнинг олдини олиш, диабет билан касалланган беморларни даволаш самарадорлигини оширади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

### Ободлик маҳалладан бошланади

Ободлик, саришталик инсонга ҳамроҳ бўлса, у жойда файзу барака ҳукмрон бўлади. Бугун юртимиз маҳаллаларидаги ободлик, саришталик у ерда яшаётган аҳолининг дилига, дилидан қилаётган ишларига, амалларига кўчган. Навбаҳор туманидаги Қалқонота маҳалласида кейинги пайтларда қатор маиший хизмат кўрсатиш объектлари, савдо мажмуалари қуриб фойдаланишга топширилди. Ва бу аҳолига катта қулайлик туғдирмоқда.

Маҳаллада тикув цехи, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, фотосалон, компьютер ва интернет хизмати, пойафзал ва маиший техникаларни тузатиш устахоналари фаолияти йўлга қўйилиши натижасида 30 нафар ёш доимий иш ўрнига эга бўлди. Қишлоқда яқинда қандолат маҳсулотлари тайёрлаш цехи ҳам иш бошлади. Маҳалладаги кўчалар бўйлаб ҳар икки томонга манзарали дарахтлар, турфа гуллар ўстириб қўйилганки, кўриб дилинг яйрайди. Йўл четидаги ариқларда зилол сув шилдираб оқиб турибди.

**"Туркистон-пресс"**

## Музейларимизда

# ТИББИЁТ ОЛАМИ

**пойтахтимиздаги Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейида сақланаётган экспонатлар республикамизда тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасининг илк даврларидан бошлаб ҳозирги кунга қадар бўлган ривожланиш йўллари ҳақида маълумот беради**





***Музей марказидан жой олган буюк аллома Абу Али ибн Синога бағишланган мемориал зал, у ердаги қизиқарли экспонатлар диққатингизни тортади. Девор саҳнидан жой олган буюк алломанинг беш жилдли "Тиб қонунлари" асари таниқли ўзбек олимлари томонидан араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинган. Шунингдек, ноёб кўргазмалардан бири ҳисобланувчи тиббий асбоблар коллекцияси макети Т.Изместьев томонидан "Тиб қонунлари" асари асосида тайёрланган.***

Асосий хоналардан ўрин олган Германиянинг Дрезден шаҳридаги Гигиена музейида тайёрланган "Шиша одам" модели ҳам музейнинг энг муҳим экспонатларидан биридир. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги миқёсидаги етти нусхада мавжуд бўлган ушбу экспонатнинг бири бизнинг юртимизга ҳам келтирилган. "Шиша одам" моделида инсон организмининг ички аъзолари — асаб, юрак-томир тизими, нафас, меъда-ичак аъзолари чироқ ёрдамида галма-гал ёритилади. Шу хонанинг чап томонида "Ўғил бола гигиенаси" залида кашандалик, пала-партиш ҳаёт кечириш оқибатида келиб чиқадиган касалликлар тушунтирилган. Ўнг томондаги "Қиз бола гигиенаси" хонасида ҳам қиз боланинг жисмоний ва руҳий ривожланиш босқичлари, унинг тўғри овқатланиши, жисмоний тарбия билан шуғулланишнинг саломатликка таъсири, тери касалликлари ва оқибатлари муляжлар орқали кўрсатилган. "Она ва бола" кўргазмаси қизиқарли маълумотлар ва экспонатлар билан бойитилган.

Гигейя — қадимги юнон афсоналарида соғлиқ маъбудаси деб аталади. Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги фан — "гигиена" ана шу номдан олинган. Музей экспозицияларида ушбу фаннинг пайдо бўлиши, сув, ҳаво, тупроқ, овқатланиш тартиби, турар-жой, болалар ва ўсмирлар гигиенаси, шахсий гегиена, меҳнат гигиенаси каби қоидалар ҳақида ҳикоя қилинади. Гигиена асосчилари Гиппократ, Ибн Сино асарларидан намуналар келтирилган. Бўлимда гигиена бўйича биринчи дарслик, қўлланма, санитария хизматининг ривожланишига доир ҳужжат ва суратлар бор.

**"Ҳаво гигиенаси".** Саноат корхоналарининг ҳавосини ифлослантирадиган чиқиндилар, чанг, автомобиллардан чиқадиган газлар одамнинг саломатлигига зарарли таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта. Бу бўлимда мутахассисларнинг тозалик устидан қандай назорат қилиш, атмосферани тоза сақлашда кўкаламзорлаштиришнинг нечоғли аҳамиятли эканлиги кўрсатиб берилган. Ўпканинг ишлаб турган макети эса одамнинг нафас оладиган ва нафас орқали чиқариладиган ҳавонинг таркиби билан таништиради. **"Сув гегиенаси".** "Сув бор жойда ҳаёт бор", - дейишади. Сув одам организмининг барча органлари ва тўқималари таркибига киради. Сувда турли-туман касаллик қўзғатувчи микроблар, гижжа тухумлари бўлиши мумкин. Бордию сувни зарарлантирмай, қандай бўлса шундайлигича ишлатилса, у кўпгина касалликларга сабаб бўлиши мумкин. "Тозаланмаган сув — соғлиқ учун зарар" деб номланган бўлимдаги махсус макетларда бир томчи сувда қанча микроб борлиги, шунингдек, сувни зарарсизлантиришга доир зарур маълумотлар берилган.

**"Тупроқ гигиенаси"** бўлимида ернинг ўсимликлар дунёси ривожланишдаги энг юқори қатлам, яъни тупроқ хусусиятлари намойиш этилган. Тупроқ ўзининг сув, иссиқлик ва ҳаво режими билан одам соғлигига катта таъсир кўрсатади. Тупроқда турли касалликларни ташиб юрувчи жонивор, ҳашорат ва микроблар яшайди. Шу боис, одамнинг ҳаётлик чоғида ҳосил бўладиган чиқиндиларни зарарсизлантириш ва утилизация қилишда тупроқдан фойдаланиш йўллари экспонат, расм, макет ва диаграмаларда батафсил ҳикоя қилинади. Турар-жой гигиенаси бўлимида кўп қаватли уйлар ва ишхоналарни лойиҳалашда ёритиш, иситиш, канализация, микроиқлим устидан назорат олиб борилаётгани келтирилган.

Музейдаги экспонат воситасида табибларнинг беморларни даволаш усуллари кўрсатиб берилган. Табиблар беморларни даволаш учун дори-дармонларни ўзлари тайёрлашган, уларнинг таркибини ўзларидан бўлак ҳеч ким билмаган. Гиёҳлар қайнатилган сув, баъзи бир минерал моддалар, қуритилган илон, буғу шохидан янчиб тайёрланган талқон ва шу кабилардан фойдаланилган. Асл табиблар дори-дармонларни қадимий китобларга қараб тайёрлашган. Бироқ, бундай даво усули ҳамма вақт ҳам беморга ижобий таъсир этмаган.

XIX аср ўрталаридан XX аср бошларигача юртимизда тиббиёт тарихи кўргазмасида қизиқарли маълумотлар жой олган. Таниқли олим, жарроҳ, профессор П. Боровский бюсти эътиборингизни тортади. Унинг номи билан аталган тиббиёт коллежи нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатлардаги нуфузи ҳамда унинг жарроҳлик соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида маълумот берилган. Ўша даврдаги Тошкент бозори, биринчи дорихонанинг кўриниши, Бухородаги "Лаби ҳовуз" мажмуасидаги табибларнинг тиббий анжомларига қараб ўша даврдаги тиббиёт ҳақидаги маълумотларга эга бўласиз. Шунингдек, фронт ортидаги жасоратлар ҳақида ҳикоя қилувчи алоҳида мемориал зал мавжуд. Урушда қатнашган шифокорларнинг фотосуратлари, шахсий буюмлари, орден-медаллари, машҳур олим-жарроҳ Н.Богоразнинг операция столи, америкалик шифокорлар томонидан совға этилган тиббий стерилизатор ва бошқа тиббий асбоб-ускуналар намойиш этилган.

XX аср охири ва XXI аср бошларидаги тиббиётнинг ривожланиш босқичлари ҳамда бу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган юртдошларимиз, ўз ишининг том маънодаги усталари, таниқли шифокор, олимлар К.Зоиров, нейрохирург М.Қориев, невропатолог В.Мажидов, Э.Атахонов, таниқли олим-жарроҳ В. Воҳидов каби қатор шу соҳа фидойиларининг фотосуратлари, шахсий буюмлари, илмий китоблари эътиборингизни тортади.

— Жорий йилда мазкур музей фаолиятига 40 йил тўлади. Шу боис музей экспонатларини янгилаш, айниқса, юртимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари билан бойитиш режалаштирилган, - дейди музей директори В.Болкунов. — Жумладан, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарорига биноан, жорий йилда музейнинг ички заллари қайта таъмирланиб, янги заллар ташкил этилмоқда, музей янада қизиқарли экспонатлар билан бойитилмоқда. Айниқса, шошилинч тиббий хизмат, "Соғлом — она ва соғлом бола", юрак қон томир касалликларини аниқлаш имконини берувчи замонавий тиббий техника жиҳозлари ва соҳага доир бир қатор янгиликлар билан таминлаш кўзда тутилган.

Музейга мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари ҳамда турли ташкилотлардан меҳмонлар тез-тез келишади. Айниқса, тиббиёт муассасалари ходимлари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти тингловчилари доимий томошабинларимиздир.

***Баҳодир РАҲИМОВ, Иқтисодиёт университети талабаси:***

— Музейни айланиб, тиббиётга оид жуда кўп ва қизиқарли маълумотларга эга бўлдим. Айниқса, X-XIX асрларга оид экспонатларда тиббиёт олимларининг қилган ишлари, доривор гиёҳлар, дори-дармонларни тайёрлашда ишлатилган идишлар, медицинага оид қадимий асарларнинг қўлёзмалари билан танишдим.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

## ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

# Хурмо

**У кўпчилик севиб истеъмол қиладиган субтропик мева саналади. Лотинчада «илоҳлар таоми» маъносини билдиради. Тўғри танланган хурмо меваси асал каби ширин бўлади. Чунки қанд моддаси унинг умумий ҳажмининг чорак қисмини ташкил этади. Шу боис агар ишга ўзингиз билан иккита пишган хурмо мевасини олсангиз, кун бўйи оч қолмайсиз.**



Хурмо дарахтининг тропик ва субтропик минтақаларда 500 га яқин тури учрайди. У, асосан, Хитой, Япония, Ўрта денгиз бўйи мамлакатлари, Австралия, АҚШ, Кавказ ва Марказий Осиёда экилади. Ўзбекистонда экиладиган шарқ хурмосининг ватани Хитой саналади. Хурмо дарахти 100 йилдан 400 йилгача, баъзан ундан ҳам кўпроқ яшаши мумкин, лекин 50-60 йилгача яхши мева беради. Апрель-май ойларида гуллайди, октябрь-ноябрга келиб пишади. Меваси турли шаклда бўлиши мумкин, 2-3 ой сақланади, янгилигида ҳамда қуритилган ҳолда истеъмол қилинади, қандолатчилик саноатида ишлатилади, ундан ликёр, вино ва жем ҳам тайёрланади.

Хурмода олмага нисбатан фойдали микроэлементлар икки баравар кўп. Хурмо меваси таркибида жуда кўп миқдорда сув, оқсиллар, углеводлар, органик кислоталар, ошловчи моддалар мавжуд. Ушбу мева калий, калций, магний, фосфор ва темир моддалари ҳамда А ва С витаминларига жуда бой. Хурмо одам кўзини равшан қилади, ўпкани ҳимоялайди, юракка қувват беради, ичак бузилишини бартараф этади, жароҳатнинг тез битишида, буйрак ва қовуқлардаги тузларни ҳайдашда яхши самара беради, камқонликнинг олдини олади, томоқ оғриғидан сақлайди.

Хурмонинг атиги бир донаси одам организмини магний моддасига тўйинтиради, асабларни тинчлантиради ва уйқуни келтиради. Таркибидаги фруктоза ва глюкоза эса кайфиятни кўтаришга ёрдам беради. Хурмо таркибидаги йод моддасининг фойдасини билмаган одам топилмаса керак.

## БИЛАСИЗМИ?

Чарли Чаплин бир сафар "Чарли Чаплинга ўхшашлар" танловида ўзи қатнашиб мағлуб бўлган.

* * *

Альберт Эйнштейн ўзининг телефон рақамини ҳеч қачон эслаб қола олмаган.

## ТУРФА ОЛАМ

# Телефонни "тўйдириш" усули

**ЭНДИЛИКДА МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНЛАРИ МАХСУС ЧАШКАЛАРДАН ЭНЕРГИЯ ОЛАДИ.**




Epiphany Lads компанияси томонидан омма эътиборига "иссиқ" ва "совуқ" чашкадан қувват оладиган янги аср технологияси тақдим этилди. Сиз суратда кўриб турган мосламанинг ишлаш механизми жуда оддий. Яъни, телефон зарядкаси иссиқ кофе солинган чашка ёки аксинча, муз солинган идишга қўйилса, энергия олиш жараёни бошланади. Олимлар томонидан илк тадқиқот натижалари кўнгилдагидек ўтказилди. Кузатувчиларнинг фикрича, янги технологиянинг аҳамиятли томони шундаки, унинг ёрдамида ҳам мобиль телефоннинг "қорнини тўйдириш", ҳам махсус идишда қаҳва ичиш мумкин. Айни пайтда мутахассислар "One Puck" номли мосламанинг янада самарали жиҳатлари, дизайн ва жаҳон бозоридаги мавқеи хусусида бош қотиришмоқда.

# "Марс" кемасида

**ЭСТОНИЯ ВА ШВЕЦИЯДА АРХЕОЛОГЛАР ТОМОНИДАН КУМУШ ТАНГАЛАР ТОПИЛГАН.**



Тадқиқотчилар Эстониянинг Йигивама ҳудудида олиб борган қазилма ишлари натижасида кумуш тангалар топишган. Аммо улар жуда юпқа зарб этилгани учун қайси даврга тегишли эканини аниқлашда қийинчилик туғдирмоқда. Археологларнинг фикрича, бундай сирли топилмалар мамлакат ҳудудида камдан-кам ҳолатда учрайди. Мутахассислар худди шундай топилмаларни Шимолий Нидерландияда олиб борилган қазилма ишларида ҳам қўлга киритганди. Швециялик экспедиторлар Болтиқ денгизи тубидан 1564 йилда чўкиб кетган "Марс" кемаси атрофида сочилиб ётган тўрт мингта кумуш танга топишди. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, асрлар давомида сув остида ётган бу қимматбаҳо топилма жуда яхши сақланган. Уларнинг айтишича, бунинг асосий сабаби Болтиқ денгизи чуқурликларида кислород жуда кам бўлиб, у ерда ҳатто ёғоч ҳам чиримас экан.

## Ярмарка

# Маърифат ҳафталиги

**давом этмоқда**

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Infolib Uzbekistan — 2013" миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бошланди. Ушбу анжуман Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигининг асосий мақсади — мутолаага бўлган меҳрни ошириш ва уни тарғиб қилиш, аҳолига, айниқса, ёшларга керакли бўлган ахборотни мустақил равишда излаш ҳамда қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, уларни янги нашр қилинган ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий, ўқув ва бадиий адабиётлар билан бевосита таништириш, ахборот маданиятини юқори поғонага кўтариш, республика аҳолисининг маданий меросни асраш, ахборот-кутубхона фойдаланувчилари хизматининг имкониятларини ошириш ҳамда янги замонавий технологиялардан фойдаланишга доир илмий билимларни оммалаштиришдан иборатдир.

— Китобхонлар учун барча қулайликлар муҳайё этилган, - дейди 1 сонли Тошкент педагогика коллежи талабаси Умида Бердиева. — Айниқса, интернет имкониятларидан фойдаланиш учун барча шароитлар яратилган. Кўргазмада "Янги аср авлоди", "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси", "KitoBooKniga" сингари нашриёт-матбаа корхоналари томонидан чоп этилган, барча ёшдаги китобхонлар учун мўлжалланган ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий, ўқув ва бадиий адабиётлар намойиш этилмоқда.

Ҳафталик доирасида муайян соҳаларга бағишланган семинар, давра суҳбати, танловлар, тренинглар, маҳорат дарслари, китоб чоп этиш ва савдоси билан шуғулланувчи нашриёт ҳамда ташкилотлар иштирокида китоб кўргазмалари, ярмаркаларини ташкил этиш, ёшларнинг билимларини оширишга йўналтирилган тадбирлар ташкил этилмоқда. Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва юксалтириш, санъат ва адабиёт соҳасидаги билимларини бойитишга қаратилган танловлар, ёзувчилар, мусиқашунослар, рассом, тарихчи, археолог ва блогерлар билан ижодий учрашувлар, жамоат ва халқаро ташкилотлар, ёшлар ҳаракати вакиллари билан кулолчилик, рассомчилик, қўғирчоқ театрлари, оригами, карвинг бўйича маҳорат дарслари, тренинглар, лотерея ва акциялар ўтказилиши режалаштирилган. Шу билан бирга Ўзбекистон Миллий кутубхонаси видеофондидан фильмлар намойиши, ҳар ўттиз дақиқада кутубхона бўйлаб мавзули экскурсия ўтказилиши кўзда тутилган.

Хусусан, ахборот-кутубхона ва архив мутахассислари учун қўлёзма ҳамда нодир нашрларни консервация ва реставрация қилиш ишлари бўйича семинар-тренинг ва Миллий кутубхонанинг янги дастурлари тақдимоти иштирокчиларда қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

**Д.ТОШТЕМИРОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир ўринбосари:** Исмат ХУДОЁРОВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1019, Адади — 6055. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Камолиддин ҲОТАМОВ
**Навбатчи:** Шоҳида ДАМАНОВА
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 22.40.
***ISSN 2010-7714***

1 2 3 4 5